


Гўзал БЕГИМ




N

Мажнунсоат

Гўзал БЕГИМ

МАЖНУНСОАТ



Тошкент
«Академнашр»
2012

УДК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7
Г99

Г99

Гўзал Бегим

Мажнунсоат: шеърлар / Гўзал Бегим; муҳар-
рир А.Шаропов. — Тошкент: Akademnashr, 2012.
— 128 б.

УДК: 821.512.133-1

ISBN 978-9943-389-44-1

КБК 84(5Ў)7

ТАОДИҲИ НАМ

Гўзал Бегимнинг ушбу китобга кирган шеърларида ҳис ва кечинмаларнинг жилоси бўлакча. Уларда тимсолланган Бахт ва Бахтсизлик, Умид ва Умидсизлик, Севги ва Севгисизлик шоира юрак микроскопи орқали кузатилиб, энг майда зарраларигача катталаштирилиб, шеърхон юрагига тутилади. Туйғуларингизни минг бир чиғириқдан ўтказоди. Чекаётган ғамнинг-да, қувончнинг-да бемисл бўлақларга бўлинган шеърлардаги суврати ғалати, ёвқур бир ёлғизлик сари етаклайди. Шоиранинг сўз хирмони сизга, қалбингизга, туйғуларингизга дахлдор улушни тугишига ишонамиз.

Маъсул муҳаррир:

Ҳалима АҲМЕДОВА

Китобни безашда Ш.Турдимов чизган суратлардан фойдаланилди.

ISBN 978-9943-389-44-1

© Гўзал Бегим «Мажнунсоат».

© «Академнашр» нашриёти,
2012 йил.

ШАФФОФ БАЛАНДЛИКЛАР

Мен икки миллатга мансуб улкан дарахтнинг меваси тарзида дунёга келганман. Отам Жайхун, Онам Идил сувларидан симириб вояга етган. Болалигимда Хоразмнинг бепоён қумликлари ҳар куни, ҳар лаҳза кўз олдимда товланарди ва онамнинг ҳадсиз-ҳудудсиз ўрмонлар ҳақидаги эртаклари қумликларга тутшиб кетарди.

Хоразм – бу менинг юртим, юрак уруғим қадалган воҳа. Хоразм – бу эндигина гулга кирган янтоқнинг ифори, саксовуллар эпкинига айланган диёр. Улкан саҳролар бағрини яшнатиб турган саксовул ва янтоқларни Хоразм лолалари дегим келади. Қумтоғлар Ватанимнинг мукаммал сувратларидир.

Хоразм – қуёшнинг қароргоҳи, сахий офтобдай яшию ёмондан меҳр тафтини аямайдиган инсонлар ўлкаси. Хоразм ҳеч бир таърифларсиз юрак осмонида баландлаб-баландлаб кезгувчи диёр.

Мен Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти Тахта туманига қўшни Қўшкўпир туманида туғилганман. Бизнинг гўшадан оқиб ўтадиган Ғозовот канали устига қўш кўприк қурилган. Бу Яхшилик ва Эзгулик, Бахт ва Саодат, Муҳаббат ва Садоқат, Матонат ва Маҳобат кўприги гўё. У ернинг кенгликлари, кўллари, тўқайзорлари қўшкўприклар учун табиатнинг яшил-мовий эҳсонидир.

Мен учун устоз Матназар Абдулҳаким Хоразмнинг энг баланд чўққисидир. Бу табаррук инсон билан бир замин ва бир замонда туғилганим мен ва бошқа хоразмликлар учун ҳам ажойиб сийлов. Ахир, сен билан бир асрда шундай улуғ инсон яшаганини билиб, ҳис этиб туришнинг ўзи бахт-ку! Мана – Хоразмнинг кўзимиз етиб, юрагимиз етолмаган бемисл қояси. Устоз менда, мен каби неча ўнлаб ёшларда мутолаага, бадийий Сўзга ва гўзалликларни ҳис этиб яшашга рағбат уйғотган. Мат-

назар Абдулҳаким Хоразм характери, бойлиги, унинг дукиллаб ураётган юраги бўлиб кўринади менга. «Оҳини ҳасса» қилиб яшаб ўтган боболарим: Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Ризо Огаҳий сафига Матназар Абдулҳакимнинг офтобдай иссиқ номини ҳам кўшиб гапиргим келади, келаверади...

Менинг Сўз йўлига киришимда Хоразмга даҳли бўлган ва бўлмаган, сўз қадрини ҳар недан баланд тутувчи жуда кўп азиз инсонларнинг ҳиссаси бор. Ҳаётдаги ҳар бир инжа ҳаракатлардан таъсир туядиган, томирларимга поёнсиз ҳис ва ҳаяжонни муҳрлаган Отам Ражабдурди Матёқуб ўғли, Онам Зулфира Минниғали қизининг ва устозларим Гулпошша Абдурашид қизи ҳамда Йўлдош Эшмуроднинг исларини юракдан ўтказяпман. Мени Сўз деб аталган энг шаффоф баландликка етаклагани учун, улардан миннатдорман.

Дунёнинг қай бурчида яшасам-да, мен хоразмликман. Томирларимда шу гўшанинг тупроқ иси уфуради, йиғим ҳам, кулгим ҳам хоразмча. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас... Ватандан олисда – талабалик йилларимда шундай шеър ёзган эканман:

*Агар кўзларимда кўринса Ватан,
Тупроқ иси келса томирларимдан.
Кўнглим чўкиб кетган ҳар бир лаҳзада
Кўзимни кўзимга қўйиб йиғласам.*

*Йиғласам, кўзимда титраса Ватан,
Сўзимнинг бир чети ейилган бўлса.
Нетайин, узилган япроқ ортидан
Юрагим Ватандай кўриниб турса...*

Йил – ўн икки ой қуёшни елкаларида кўтариб яшаётган ҳамюртларимни Хоразмнинг тилла соатига ўхшатаман: ҳеч вақт бузилмайдиган, ҳеч вақт тўхтаб қолмайдиган. Кун келиб бу соатнинг кафгири айланишдан тўхтаса-да, у вақтта, мангуликка ишора бўлиб қолаверади...

Гўзал Бегим

Шеърлар



ПАТҚАЛАМ

Матназар АБДУЛҲАКИМГА

ҳаммаёғим
юрак
қўлларим
қиқирлаб юборар
қайноқ яшиллик
кўзларимни кўкка узатсам
кипригимни чертар
дарпардамда осма ёруғлик

нурга арқон солар сўзларим
қанотларим
табассумли орзу садоси
ерга қараб кетиб бораётган ёмғир
ерга қараб қайтиб келаётган ёмғир

нигоҳимнинг йўллари очиқ
кўнғироқгул
ясайди
жимлик
сочларимнинг узунлигида
кечар куннинг саслари ёйиқ

мана қаранг қўлларим бўм-бўш
соям узра япроқ сояси
патқаламим менинг шамол кемаси
патқаламим бўйдор
ёлғизлик

2010 йил

СЎЗЛИ

Отам Ражабдурди МАТЕЎҚУБ ўғлига

1

Оталар

қизларига «Бахтли бўл» дерлар
Сиз эса
Сўзли бўл дейсиз
мана мен сўзли бўляпман
гала-гала сўзлар
учиб келаётир жанубдан
карвон-карвон сўзлар
парвоздаги қаламимнинг бўғзига қўнди
мен тиззаларимга
Сўзларни ўтқазяпман
бошини силаяпман
йиғлаётган
кулаётган
ўмбалоқ ошаётган
Сўзларни
руҳимни силкитсам
олмасўз
анорсўз
ва анжирсўзлар
тап-тап тўкилади қўнглим устига
қаламимнинг митти учида
осилиб қолади
пахлавон сўзлар
сиёҳимни Бахтга уриб олганча
мен Сўзли бўляпман Ота
мен Сўзли бўляпман Ота

Мен

минг сўзли бойман
қараб турар менга
минг қўйли бойлар
харид қилмоқ учун Дард хазинамни
дарахт ўстираман сўзлардан
юлдузларни ясантираман
гулдор михлар суғураман осмон тоқидан
ой ойнаси қамаштирар дилимни
деразамнинг пардаси учиб кетяпти
кун ортига ўтиб боряпти гуллар
минг ямоқ кўнглимдан
учиб-учиб чиқар
минг қанот сўзлар
қаранг
кўкда кўкланмоқда ҳиссим чеҳраси
қаранг
шудгорланган бахт тупроғида
ҳилпиратиб кўнгил кўйлагин
мен минг шеърли бойман Ота
мен минг сўзли бойман Ота

2012 йил 1 март

Намчил шовуллайди қирмизи мавжлар

биллур қайиғимда умидлар тирбанд
денгиз шеър келтирар қароқларида

Узилган изтироб ипларин улаб
камалак ҳовурига жонидиш тутдим
шамол шеър келтирар – болишлари нур

Кафтим чизикларин бошлари эгик
кўнглим чизиклари кўёшга қарар
осмон шеър келтирар – кафтлири юлдуз

Оҳ шаклида ёғар кумуш томчилар
ёмғирпўшим узра булутлар ҳил-ҳил
ёмғир шеър келтирар – атиргул

Сиёҳранг кунларим қушга эврилган
ямалган кулгулар қўлимдан тутар
япроқ шеър келтирар яшилдир умрим

Эшигимдан кирмай қолган митти куй
тушимдан чиққиси келмас гулларнинг
шудринг шеър келтирар ялтирар кўнглим

Марварид кўприкдан ўтар кўзларим
ҳовучларим тўла юрак – Кўҳинур
ҳаво шеър келтирар нигоҳлари ҳур

2009 йил

АЛЛА

Ўғлим Ансорга

Ойнинг тўлқинлари оралаб
шитирлайди денгизранг кунлар
рангларни тебратяпман
алла болам алла

Пешонам чизиғида ийманиб
остонамга келди тунли орзулар
оқшомни тебратяпман
алла болам алла

Изтироб шаклида бармоқ товуши
силайти юрагин шабнамнинг
тонгни тебратяпман мен
алла болам алла

Юрагим йўргакланган фаслда
кўзларим тиз чўкди офтобга
қуёшни тебратяпман
алла болам алла

Зил-замбил умидлар оғриғи
кемтилган қирғоғи дилимнинг
юракни тебратдим мен
алла болам алла

Дарахт соясини силкитар сабо
тушимда йиғлайди тўлқинлар
денгизни тебратяпман
алла болам алла

Ойнинг ўн бешида кўзим қораси
қўлимда ловуллаган ҳаяжон
ерни тебратяпман мен
алла болам алла

2006 йил

ОРАЛИҚ

Парда
парда ортидаги фикр
фикрни қучаётган аёл
ва аёл кўзидаги суврат
туйғулар ортида ёнаётган шам
Келаётган сабо кетаётган сас
умиднинг ёнлама томони
бармоғимдан сочларимгача
окиб ўтаётган нилуфар дарё
Ҳаво оқимидаги қушча
такрор ҳаракати ўша қушчанинг
ва ҳеч кимга яқин йўламаган шафқат
кўксимдаги кулнинг парвози
Борлиқ
тутун орасида ўсаётган майса
табассуми юрагинг изин
кўкка узатилган битта қўл
ва қоғоз қўғирчоқ тунлари
Мовийлик
четлари чайилган
дарахтларда тонгли тўлқинлар
кўзларнинг чўкинди шафағи
кўзларингнинг изи оралик
Паришон сўқмоғи хаёлнинг
бармоқларим учи ҳарорат
мендан кетиб бораётган ёмғир
ҳам япроқ остида ҳўл ҳаё
Оёқларинг уйқуси масофа
кичрайган сабрнинг увоғи
қирғоғи исмингнинг чандилган
ва менинг кўзларим қораси

2003 йил

* * *

Дарахт – образ

япроқ – ташбеҳ
 илдиз – ишора
 менинг қиёфамда
 илдизини ихлос-ла чўқилар қушча
 ҳаворанг ташбеҳни
 қанотлари билан силаб қўйганча
 мандарин тус хаёл
 бутадан-бутага сақраб ўтаркан
 ташбеҳ қолдиқлари тўкилди кўкка

2003 йил

* * *

Бошимга тушаётган қора кунларда

оппоқ исминг билан яшадим
 чайқалди кўзимнинг қибласи

2003 йил

* * *

Юрагимнинг оқарган сочи

тушиб кетар қўлингдан бир кун
 дарахтлар остидан титраб ўтар куз

2003 йил

* * *

Атиргул исмига исмимни қўшиб

гулнинг иродасин ҳидладим
 чайқалди мовийлик

2003 йил

* * *

Сенсиз қолган кунларга қараб

йиғлагим келаверар менинг
 келаверар юрт босиб кулранг туйғулар
 Яшилликлар учган қимтиниб
 энг қоронғу қирғоғи туннинг
 юрагимдан ўтар осмондай
 Сенга аталмаган кунларда
 қоп-қора бир адолат яшар
 кўзларимда баҳорни сўйиб
 Юрагимда осилган овозинг
 ташландиқ умидлар ичинда
 кечилаётган юрак саҳроси

2003 йил

* * *

Томчи ҳақидаги тасаввурларим

акс этганда тунги япроқда
 ёмғир ёғар эди ё ёғмас эди
 Кечаги кунимни эслатиб қўлим
 намозшомгулларнинг ғамгин ҳидини
 мактубларга жойлаётганди
 Сувнинг ўтмишини ўқиётганда
 гуллар очилмаган эди
 очилмаган гулга яқин эдим мен

2004 йил

* * *

Хорижда

сарғайган хорижда
 маъруза ўқийди дарахтлар
 мenden қочиб кетган сўзларни олиб
 барглар осилиб қолар осмонга
 сўзлар тўкилар
 оёғини қўймаётган кунлар устига

2002 йил

КУЛ ҲАҚИДА СЕНТИМЕНТАЛ ШЕЪР*2003 йил октябр***1**

Олис оқшомларда сокин оқшомларда
овозинг келмайди кўкка қарасам
сувратинг кўринмас сувратингда ҳеч
қараб тураверар сувранг дарахтлар
чексизлик чекинар
изтироб кулбасининг чайқалишида
кўрсаткич бармоғини ушлаб баҳорнинг
кул иси ёйилди аксимга

2

Дарёжон
эшигингни қоқиб келяпман мана
атиргулли шамоллар билан
кўзларимга чўкиб кетди ёлғизлик
энди ўтирибман
сочларим ёйилиши тортар дилимдан
баҳор қолдиғида эпкинлар

3

Гул қўйдим ҳар оқшом
юрагингнинг уришларига
қўлларим денгизга эврилди
ёмғир сўраганча иссиқ нафасда
борлиқни силадим
ёғилди ёғишлар
сочларимни олиб қайтгим келди ортимга
кўзларимни олиб кетгим келди ортимга
юрагимни олиб қайтдим ортимга

4

Шабаданинг икки қирғоғи бўйлаб
учаётган ёмғиркапалак
гуллаб кетибсан-ку чап биқинингдан

Кунлар ювса ҳам оқармайдиган
рўмолим шовқинида намчил изтироб
сочларим ҳўл бўлди чап биқинимда

Юрагимни ҳовучлайди вақт
сояси тўхташган атиргул
тиканлар байрами чап биқинимда

5

Сенга бормайдиган ва келмайдиган
тунлар кетиб борар
тонг кирмас кўзимнинг чуқурларига
яшил нафасларда уриниб
кўнглим қўлим билан қўллашиб кетди

2004 йил

* * *

Яна азонгача уйқум келмади.
А.МУХТОР

Яна азонгача кўзим оқ, япроқ

Яна азонгача шамол нур кўприк
Яна азонгача ҳижрон тасаввуф
Яна азонгача жаранглар қисмат
Яна азонгача тўлқинлар расми
Яна азонгача йиртиқ сукунат
Яна азонгача томчилар аксим
Яна азонгача азондир ҳикмат

2004 йил

* * *

Эҳтиром ила Мирзо Кенжабекка

Кўзларим шамолга эргашган эди

асл ҳолатига қайтмоқда мана
асл ҳолатига қайтди юрагим
Мен шивирламоқчи эдим тунга
ичимга думалаб зулмат тилинди
томчилар орасида ёнди Хур чироқ
Жимлигимни ёнимга қўйиб
оқ ва қора чизиклар бўйлаб
томирларим чиқди сафарга
Қалбимга дувалаб ёққан ёмғирнинг
моҳиятин қўшиб моҳиятимга
тикилдим сочларим ораларидан
«Қалбларни қаттиқ қоққувчи кун»га

2005 йил

* * *

Мен шеър ўқияпман

кўзларимга осиглиқ мунгла
дарё-дарё сўзлар қаршимда
қум кечади алп орзуларим
тун отяпти қорачиғимда

Мен шеър ўқияпман
юрагингиз чет-четларидан
тўкиляпман тўрт томонимга
овозимда чайқалиб чўқар
бинафшаранг кунлар қисмати

2005 йил

* * *

Нигоҳимни гуллар силаган

мажнунтолга қўшилган исмим
кўз ортимда титрайди ҳаво
юрагимга томчилар
шабнам

Заъфаронлик кўнгли бузилган
ой ойнаси тушар дилимга
иродамнинг киприкларидан
Ер шарига томчилар
овоз


Ана умидимнинг тўфонларида
сузаетган қоғоз қайиқча
қаламимнинг юрагин тутиб
томиримга томчилар
Кўёш

2006 йил

* * *

Кўзим бўйлаб кетаяпти куз

чайқалади оёқ товуши
жароҳати кўркам шаҳарда
Томчиларнинг нурларин силаб
хаёлимнинг асоратида
кўрдим гулнинг эгик баргларин
Кўзларимда мусофир тунлар
сенсизликни марҳамат қилиб
кафти очиқ кетган орзулар
Жароҳатлар куйлайди қўшиқ
юрагимнинг кул чўққисида
сочлар — ғамгин арқонлар рақси



* * *

И.Такубокунинг
«Ғамгин ўйинчоқ» китобига ичсўз

Мунгли ўйинчоқлар

совға қилдим боламга бугун
ғамгин ой ярқирар қорачиғида

Хаёлларим чайқалган шаффоф бинода
қўлида юлдузлар офтоби билан
ўғлим ўйнаб юрар изтиробларни

Сунъий ҳавзадаги маҳзун балиқча
сузиб ўтар экан кунлар қаъридан
сув остида ёришади тонг

Дарахт шохчасида маъюс олмахон
ёнғоқларин ташиётганда
пиёламга ямин барглари тушди

Баҳор гул тутади – яшил соябон
ойнинг мавжларини тортқилаб
ўғлим ўйнаб юрар гўзал бир мунгни

2006 йил

ЭЙ СУЙДИРГУВЧИ

Юрагимдан гул баргини олиб ўтган
туйғуларимнинг биллур шаклини
овоз хиёбонида эркалагувчи
саксовул ифоридида рақсга тушган
сабо сандигидан озод бўлганча
қушлар қироатин кўкка йўллаган
нигоҳ кенглигига йўл олган эй сўз
тиз чўккан товушлар сенинг қаршингда
ва юрак ҳақидаги эртақлар

Эй суйдиргувчи
кўзимнинг тим қора муҳаббатини
шаффоф сукунатга чоғиштирган зот
юрагимнинг ўнқир-чўнқирларида
шафақ уммонини барпо этгувчи
олис манзаралар ичидан
олтин жимлик ила олиб ўтгувчим

Эй суйдиргувчи
тун ва тонгнинг оралиғига
қаҳқаҳа ҳикматини илиб қўйгувчи
туйғулар қаърига
нодир буюмларни жамлаб қўйгувчим
қўлларимни очиқ ҳолида
само саройига йўллаётганда
кўз ёш жавҳарини яратган эй зот
табассум шивиридан ўсган сўзларни
муҳаббат диёрига муҳрбанд этиб
юрагимнинг мингта томони билан
эй суйдиргувчи
эй суйдиргувчи

2006 йил

ЎТМАЁТГАН КУНЛАРГА ИЛОВА**1**

Киргим келаверар
кўзларингнинг кенгликларига
ўзига ўхшамас биронта кеча
япроқлар чайқалган қайиқ мисоли
урилар умримнинг чошгоҳларига
кетар оёқларим ўзи билганча
кетиб бораверар билиб-билмасдан
сочларим – қаҳрабо
кўнглинг ипларига осилиб қолган

2

Титроқлар лабимга тикилган олов
ёқар юрагимнинг харобаларин
сахройи табассум-ла балқади кўнглим
тилкуяр сўз оғушида
чайқалар тошларнинг қирғоғи

3

Ўзимни тутаман оқсоч кунларга
авайлаб дилимнинг ёриқларини

Пешонам – далигул
баргларида тузли шабнамлар

Иягимга тирадим бугун
тортинчоқ ва қўрқмас табассумларни

2007 йил

* * *

Ой тушиб келяпти

юрагимнинг изи ёмғирли шодлик
сен ва меннинг оралигида
туйғуларга қурилган кўприк
шивирлайди
оҳлар – ойдинлик

Ой тушиб келяпти
бўсагамда ойли қадамлар
чўнтагимда ғамқанд
дилим – печакқанд
умримнинг у боши бу боши илинж
умид – умрлик

Ой тушиб келяпти
ковушида занжирли шуъла
ўтиб кетган мовий шалола
анор доналари сочилган юрак
ой наво
ой ҳаво
ой нола
шитирлайди
осмон – оҳ узук

2007 йил

* * *

Сен йўқсан

тикилдим гуллаган сочларим билан
фикримнинг қил учигача то

Сен йўқсан
юрагимда қўрқинчли бўшлиқ
ҳам оёқ излари ўксинган

2007 йил

* * *

Хаёллари сўкилган аёл

майсалар рангини ямаб ўтирар
 иккига бўлинган яшил мавҳумот
 Судралаётган қуш парвозида
 оқаяпти мусиқий виқор
 оқиб кетди ойдин нолалар
 Тузлигимга бойланган тилим
 иродамининг расмини чизган
 юрагимни тутиб игналар
 Алп кўнглининг кенгликлариди
 тошчаларга сўяб дилини
 аёл умидларни ямаб ўтирар

2007 йил

* * *

*27 январ 2008 йил. Олма-ота***Гулга эврилдим**

денгиз томчилаган нур барҳанлари
 туннинг юрак уриши қип-қизил япроқ
 заъфарон ҳидларни чайқар кўзларим
 ва нигоҳлар пишган хўрсиниқ

Шабдадага дўндим
 чўққилар чайқар ўз зулматларини
 ерга калит солди тоғ табассуми
 дайиди теграмда сувга ишланган
 дунёнинг хомаки суврати

Отига эврилдим туйғуларимнинг
 қушлар парвозини элтиб кетаётган
 сувнинг бешигини чайқаб қўйғувчи
 мингта қанотида сўзни кўтариб
 юрак жарлигига одимлағувчи
 отга эврилдим мен

* * *

Юрагимнинг тепалигида

қичқириб қолади каккули соат
япроқ хотирига михланар умрим

Мени излайверар биттагина тун
учбурчак сояли булутлар
шамол кемасида келар қошимга

Гапирмай гапирилган ҳислар қисмати
истакларнинг ўлчамсизлиги
юрагимни олар мўлжалга

Кўзларинг ортига сифмаган соғинч
умид ҳароратида рангин қаҳрабо
кўнгил хирқасида ғижимланган сабо

2008 йил

* * *

Мана гул

қушга ўхшаб чўқилайди кўм-кўк олмани
жимликни бузади ифорли тақ-туқ
бошланар олманинг мажозий нутқи
ажабланмас биронта дарахт
гулнинг кўзларига тикилар олма
ҳидлагиси келар жуда ҳам
ўзи билан тўқнашган вақтни

2008 йил

* * *

Азобларинг қуявер

юрагимнинг пахта гулли пиёласига
 жимгина оғизлай оғриқларимни
 қаршимдан ўтаётиб
 ундан симирсин
 бола кўтарган тунлар
 қиё қарамасин ортига
 балчикдаги шуълалар охи

2008 йил

* * *

Ўйларига оқ тушган

тунлар ғичирлаб тинмас

Хаёлим – печакгул
 чирмашар оёғинга

Шудрингнинг лабида
 лабларимнинг оғринган изи

2008 йил

* * *

Учиб кетди осмон қўлимдан

ҳаво иси қолди
 мунғайганча менинг алимда¹
 Деразамнинг ортида
 гулларнинг тоти қизғиш
 учади дилранг гуллар
 Менинг ой ўйларимдан
 ойқизлар туғилади
 сен туғилмайсан фақат

2008 йил

¹ Ал – қўл (Хоразм шеvasида)

* * *

Кўзларим ортига яширинган ҳаво

қўлларида яширади вақт
одми кийимида яраларимнинг
Қўлларим қўлимдан бўшамас
оёғимда ўйдим-чуқурлар нуқси
оғушамол – менинг ўйларим
Ой ярмини йўқотган
ташриф буюрмай
оёқ кийимини ечар тугунлар

2008 йил

* * *

Ҳеч ким йўқ

эшитилади мовий тақиллаш
рўмолини тўғрилаб қўйгиси келар вақт
ўйларига оқ тушган аёл
келаверар
учгиси учгиси
киприкларин кўтарар хаёл
дийдорсиз бахт
айланар чирпирак дунёни бузиб

2008 йил

ТУН КҮРФАЗИ

1

Кеча яна тушимга кирдинг
қора булутли
оқ булут
ёритди тушимнинг оқшомин
Кўзларимнинг қора кунларин
ўзинг-ла олиб кетдинг
фақат оёқ изинг турар
бошқа ҳеч нима
тун кўрфазига сочилди осмон
кўз ёшлари сукунатнинг
кўйлагимга томчилар эди
кўйлагим титрарди тушимда

2

Сени кугаяпман
кутмаётган одам алфозида
киёфамда йиллар
бандаргоҳлар учиб кетган
тош асрими – қум асригами
қушларнинг парвози чуғурлар
тўхтатар шабада ёруғлигини
овозимнинг ой қирғоғида

3

Юрагимда осилган юрак
кўзларим қувилган
тўхтаб қолган куннинг қаърига
келмаётган кемтилган офтоб
ғижимланган куй кўланкаси
мени михлаб кўяр
эврилдим кейин
Дилиқаҳқаҳ маликасига

4

Туғилмасдан аввал
исмингни ҳовучладим юрагим билан
мунтазамликни таҳрир қилиб
ғиёҳлар шодлигини
олиб келдим сенли онларга
қароқларимда
ёмғирлар кутарди шафакни
чегириб ташланган ёруғликда мен
бағримга бахт тутдим

5

Балиқлар сузарди дарахтда
қизарган севинчлар
қуёш синган соғинчларим
узанди қўкка

Дарахтда сузарди балиқлар
ям-яшил сокинлик
узатилган қўлим аксида

6

Тун – биллур қароргоҳ
мум кўзлардан асрайди бизни
ўйларим четида синади сувлар
гуллайверар асли гулларнинг
ёмғирнинг товуши ўзгармас
ёғаверар минг йилдан сўнг ҳам

2008 йил

ПИЧОҚЧИНИНГ ҚИЗИ*Дилфуза опага*

Энг ёруғ кунлар учун
дилни ойидиш этдим
тебранди биллур боғлар
кўзимнинг четларида
кафтин тутар юлдузлар
чак-чак томар ичимга
ой кўприкли кенгликлар
ўтиб боради ундан
мовий кўнгиллар

Шуълаларни ҳовучингга ол
кескир ёғдуларни
ол ёғдуларни
умидимнинг тонгин
уйғотар улар
чўкиб бораяпман
юлдуздарёга
кетиб бораяпман
дарё-дарёга
дилбандим – севинчлар
йўлбандим – соғинчлар
чорлайверар
нигоҳларимни

Мен осмонни тушундим
пичоқ ясар ҳаворанг
фикримнинг ипларида
ёнар ўчмас кундузлар
камалак ясайман мен
ҳисларим пичоғида
Мен осмонни тушундим
шуълалар ўчоғида
товланар кескир кунлар
кўнглимнинг ўртасида
офтоб чордона қураб
еллар югуриб елар

2008 йил

* * *

*3 яшар ўғлим ойга салом
берганида ёзилган шеър*

Юрагим хорижга кетиб боряпти

ҳаво йўлларини кесар овозим
шаффоф зулматларни бағримга босдим
майсалар меҳрини қурбонлик қилган
саболар қоп-қора қўлини чўзиб
олмос ҳисларимга дил солиб турар
бўйлайман сабонинг деразасидан
юрагимнинг зумрад минорасида
янграйман ишқли баҳодир бўлиб
ассалому алайкум оймомо
ассалому алайкум юрагим

2008 йил

* * *

Кеча бахт қаршисида

бугун сўл ёнида ўтирдим
эртага ўнг ёнига олар мени бахт
ғийқиллаб очилар дарахт эшиги
дилимдан ушлайди шабнамнафаслар
бахт ҳорғин
жудаям ҳорғин
тикилиб қарайди шовқингулларга

2008 йил

Вақт

оёғимда униққан туфлим
қўлларимда осмон кесилган
оғринган исмимни кўтариб
ўтаяпман синиқ кўприқдан
чала ўйларим
узик туйғулар
ялинади кўнгил қопқасин чертиб
мен энг гүзал изтиробман-ку

вақт

бекинмачоқ ўйнар этакларимда
кафтларини яширар қисмат
мен бошимни суққан кўчада
оғиб борар
намгин шуълалар
кўзларимга бундай қарама ойна
борим-йўғим ғужанак умид
киприкларим уммон элчиси

вақт

гуллари сўлиган кўйлагим
юрагимдан маҳкамроқ ушла
сочларимни турмаклаб қўй
ана қуёш тутар пешонасини
кафтим чизиқлари
ҳаво йўллари
мени бағринга бос
вақт

2009 йил

* * *

Мен

кимга ўхшайман
 тунга
 осмонга
 кўзларимдан ўтар кесик чакмоқлар
 ўтиргим келади
 юргим келади
 лаҳзаларнинг муюлишида
 сочларим йўлларга тикилаверар
 оҳ чекар кўзимнинг баландликлари
 мендан жуда олис бўлган кечада

2009 йил

* * *

Овозинг – Бахт

юрагимга ташриф буюрган
 олислаб-яқинлар
 ўйларим ичра
 қулогимда жимирлар
 кўзимда потрар
 кўзгуга тикилар табассумларим
 олис оқшомларга бир чизиқ ташлар
 симларни иситиб
 пешонамга ёзилишни истаган овозинг

2009 йил

* * *

Кел**ажнабий тилда ўқи**

юрагимни ўнгу тескарасига
 гул тут титрогимга
 эгил хўрсиниқларимга
 ранглар билан парчала сассизликни
 кўпроқ гул келтир
 ўзинг тушунмайдиган ушбу жимликка

2009 йил

* * *

Тушларимга киради гуллар

қўлларимга яқинроқ келиб
уйғотади бармоқларимни
қимтинади кўркли лаҳзалар
кўзларимга эгилиб

2009 йил

* * *

Ҳаёт ҳақидаги ақидаларни жамлаган китоб

кўзларинг
ҳайбатли ҳарорат чўққиларида
мендан гул тиланар ҳар бир гулдурос
шабада ҳидларини очқилар
эҳтирос

2009 йил

* * *

Кўзим чўкиб борар

қорачиқларим борар кичрайиб
дилимдан титроқлар ўтади
эшигим тутқичига муҳрбанд исм
мени олиб чиқар
ҳамроҳ бўлгим келар
қўлларимни тута олмайман
бўйсунмас нигоҳларим
осилиб олади деразаларга
қўнглимни қоқар қуёш
жимирлайди тун
аксимни оралаб
атиргулдай очилар сукут

2009 йил

* * *

Бармоқларим

сайрга чикяпти
 сафарни бошлади тирноқларим ҳам
 гулқоғоз юзида кечиккан афсус
 бужмайган ўйларни тортқилар

2009 йил

* * *

Тушимда

сизга борар йўлим
 атиргул ифори тўсаётганмиш
 орамизда ўсибди атиргулли тоғ
 кўлимни сўрабди чўққилар
 юрагим сўрабди мармар дарахтлар
 кўзларим чекиниб ортига
 тиловат қилибди исмингизни
 ичимдан чиқолмасмиш хўрсиниқларим
 гўзал экан ҳаммаси
 мен йўқ эканман
 тушимда ҳаммаси бахтиёр экан

2009 йил

* * *

*7 октябр 2009 йил. Ереван***Гул чўққилар ухлар осмонда**

тўлқинларнинг кўксиди сабо
 юрагимда эланар қушлар
 кипригимда армани ҳаво
 Араратнинг юрак уриши
 қип-қизил боғ яшил ҳарорат
 ўтиб қайтаверар измимдан
 занжирланган занжи тароват

2009 йил

SMS – МАКТУБ

Кеча
кечадан олдинги кун
дарёли мактублар ёзаётгандим
қўлларим титроғида
япроқлар кулгуси
шамол мусиқаси
кўнглимнинг осуда кўрки
бор эди
сиз тутаётган қаламнинг
тасвирнинг
кулгичи эдим
мактубларингизни
гулдастадай тутдингиз юрагимга
энди эса у ер қоғоз гулзори
шитирлаган сабо эсади
Кўз ёшларимни кўтарар
ичимда жуда ҳам узун
илон мисоли
баъзан печакгулдай чирмашган умид
қўлларимнинг шавқи кўкка етгулик
кўтариб бўлмайди нигоҳларимни
юрагим — тилла қути
ярақлаб очилар сиз тикилсангиз
бармоқларим табассум қилар
симқоққичимда

2009 йил

* * *

Изтироб уюмин

ёнлаб ўтяпман
нафасим тақиллар пошнамда
қочқин умидларнинг хаёли
гулли фикрлар
бахтнинг қарама-қарши томонлари
қарайди
кесик ибодат

2009 йил

* * *

Шабаданинг кўллари очик

жилмаяди
ўксинар бахти

шабаданинг йўллари очик
лабларига
суртилган шодлик

шабаданинг сочлари ёйик
турмакланмас
тим қора ўрмон

2009 йил

* * *

юрагимнинг ярми қип-қизил жимлик

юрагимнинг ярми тузланган умид
юрагимнинг ярми оҳ хазинаси
юрагимнинг ярми осуда бирлик
юрагимнинг ярми сўзсиз чавандоз
юрагимнинг ярми қумли лолазор
юрагимнинг ярми шудринг ноласи
юрагимнинг ярми эгилган кўзлар
юрагимнинг ярми бир ҳовуч юрак
юрагимнинг ярми қимтинган чўққи
юрагимнинг ярми оғзи бойланган
юрагимнинг ярми баҳодир қўшиқ
юрагимнинг ярми кафти очик гул
юрагимнинг ярми дукурлар рақси
юрагимнинг ярми хаёлимга сени
тортиб кетаётган марварид бўшлиқ

2010 йил

* * *

қоп-қора япроқлар

ҳаммаси эмас
қанддон
гулдон
юрақдон
ҳаммаси сиғиши керак
нафас тасвирига
бетон гуллар сўлмаслигини
ой кийимли фаришта қўйлагининг
силкинишини
дунёга тенг киприқлар ибодатини
ғамнинг илдизи
азобнинг новдасини
бирдек тебратгувчи дарахт шодлигин
қуртаклатмоқ керак ҳали қоғозга
сочларини ёйиб юборар ҳаёт
кўнгилнинг олдига
юрақнинг ортига
сачраган қайғу
ва шовуллаб турган яразор
бир маромда осилган
занжи шитирлар

2010 йил

* * *

*Мен суюб хато қилдим...
Рауф Парфи*

Хато қилдим

кафтларимга қараб
сиёҳин осмонга сачратар оқшом
юрагин уҳ-уҳлаб
ойнага тутуди сабо
чалкашди баҳорнинг ташрифи
қушлар кўзларимга осмон келтирди
хато қилди қушлар
хато қилди осмон

Хато қилдим
пешонамни ушлаб
чизиқ тортди гуллар дилимда
йиғламоқчи бўлсам
кулмоқчи бўлсам
товушлар силкиниб ўтди бўғзимдан
хато қилди гуллар
қирмиз оҳанглар

Хато қилдим кўзимни очиб
пичирлайди ғамнинг қуйқаси
ичимда осма баргли кўприклар
силкинди
рангларнинг яшил парвози
пешонам — тунқисмат
овозим — қоя
хато қилди ранглар
мовий чайқалиб

Хато қилдим
деразамни очиб
дилланиб-дилланиб учди дарпарда
тошлардан қимтиниб турган қизғалдоқ
бирпасга ёприлар хонамга ҳаво
қовжирар мусаффо ифорлар
хато қилди гулнинг кулгичи

Хато қилдим
киприкларимда
товланаётган пушти харита
юрагимдан тегиб ўтади
кўзларимга чўккан
ёқут қайиқлар

2010 йил

мен қор оралаб кетяпман

юрагимга ўраб қирмиз рўмолим
лабимда жудолик чўғлари
оёғим кириб борар
оқлик изларим
ана дарахтларда қорли кўприклар
юрагимда бурқсир
кепакланган Бахт
оппоқ ва қип-қизил
қорли гулханлар

қўлларимни сўрар кечаётган қиш
юрагимга қарар
бузилган соат
ўрнимдан тураман
ғижимланар вақт
бандсиз гул
увада қисмат

мен кетиб боряпман
қорлар оралаб
оёғимда оппоқ тўлқинлар
сочларимдан чимчир
йўлда қолган тун
санаб
сенга етмас
букилмагич бармоқларимни

мен
ўзимга билдирмай
кетиб боряпман

2010 йил

* * *

менинг қўлларим оппок,
 оғирлик қилади силкишга улар
 юрагимда
 ивирсиқ шарпа
 бахтнинг ечилган кийимлари
 фижим шарпалар

пахта гулли коса
 тўлдирилган ичикиш билан
 мен чиқиб келаётган йўлак
 мен чиқиб келаётган зулмат
 мен чиқаётган шойи
 пиллапоялар
 теграмда айланар чирпирак
 қўлин манглайга тутиб
 тикилади
 оқ пуфакчалар
 менга
 ортимдаги
 бекинган ғамга

2010 йил

* * *

ўриндиқ,
 бахтиёр
 чақилмаган писта пўчоғи
 товланади умид рангида
 ҳомуза тортилган симёғоч
 ўриндиқ
 шамолни чақирар меҳмонга
 эргаштириб кетар ортидан
 сени
 ва
 мени

2010 йил

* * *

кўзларим

муҳаббат чуқурчалари
эҳтиромга тўла изтиробларим
мени чақиради
сассиз саҳнадан
сўзнинг сеҳрланган овози
қўлларимга оғирлик қилар
ҳадя учун аталган гуллар
ана
чиқиб кетдим
мени танимас хона
томошабин курси
қўйиб юборади ғуссаларимни
дарахт
фақат
чироқли дарахт
бирдай кузатади
тунни
ва
мени

2010 йил

* * *

жавобсизлик

ўроғлик кунга
тўлқинларим елкасин қисган
ухляяпти оймомо осма
эшик қоқар
дилпайванд ҳусн
мен адашган сув тиниқлиги
кун лабида шабнамли боғ зор
тик қарайди дилгир шитирлаш
кўнгли билан чўккан кемаман
биқинаман синган кўзгуга
тонгхўракнинг зориқишида
овозга қўйяпман
тунли тонгли
назокатларни

* * *

Онам Зулфира МИННИФАЛИ қизига

онам пайпоқ тўқир

ип солланар киприкларимда
 дарахт яшиллиги
 ҳақкалаб борар
 кўчманчи рангларни ортқилаб
 чимрилади симлар
 ичкин бўёқлар

онам қўлқоп тўқир
 иккиланар ҳавопуфлагич
 дарёлар сув қўлин узатар
 денгизлар тутади бармоқларини
 аччиқ
 тахир
 ҳарир тўлқинлар

онам кўйлак тўқир
 изтироби
 симйўргакда табассум тасвир
 абадият
 япроқ шитири
 пастак кулбаларда кўкланар
 тўқилаётган гуллар парвози

2010 йил

* * *

Юрагимни кўтаргувчи юрак

қай иқлимдасан
 олмос киприklar-ла кутяпман сени
 овозимни тутиб
 титроғимни силаб
 келгин
 тиз чўккан гуллар қошига

2010 йил

кулгуларим

буғдой бошоғи
юракдаги қорачиқ
шоҳбайт
гулгун ҳаяжондан
туғилган
мана мен
эсаётган мусиқа
машшоқа сиёҳ

юрагимда
заргар япроқлар
қўл кўтарар қуюқ киприкзор
сочимга тегиниб
умримни елпиб
тикилади
гуллар — гурунглар

қўлларимнинг оқи фаришта
қўлларимнинг қораси зулмат
зинали ҳисларим пойида
хотирамни чайқар
оҳи узун
фароғат
қат-қат
сизга борай десам
йўллар чим бўёқ
соат чиқиллайди
ҳорғин уқубат

2010 йил

* * *

томирларим

тўлқин урар
ойдин ҳаяжон
кўнглим изи
кўркнинг изи
осмон – алп ўғлон
зумрад даричага
тикилар гўжгон
мени тилагувчи
япроқлар – уммон
заъфаронлик ҳовучида
ойнинг тароғи
чайқалиб
товланиб
беркинар исмим

2010 йил

* * *

бахт

аччиқтош
болалар отишар
бири-бирига
исми йўқ кулгунинг
қулоғи тиқилган йиғининг
овозини судраб келар қисмат
елкасини тутар
энига бўйига
туйғулари кесилган
афсус

2010 йил

* * *

мен йўл изляяпман

кимнингдир юрак чўнтагидан
Бахт тушиб қолган
Шодлик тушиб қолган
мен йўл изляяпман
юраклардан
азоб тушиб қолмаган
йўлни

2010 йил

* * *

қўлларингиз

кўприк
ўксик туйғуларга
жон бахш этгувчи
қўлларимни қайтаргувчи
ўлимдан
ярқироқ кўприк

2010 йил

* * *

ҳеч ненинг таъми йўқ

оёқ товуши йўқ ҳеч ниманинг
сизга қараб йиғласам ҳам
есам ҳам кулгу
сувлар сакраб юрар

2010 йил

* * *

кўзларимни қўйиб беринг

сизни чалғитмасин
борар йўллардан
қорачиғимга кўзпопук тақинг
шабадали ёмғир

2010 йил

* * *

Кўзларимдан ўтяпти мана

Фонус тутган ифорлар бир-бир
Чарсиллайди лабимда тинмай
Ўтган йилги орзулар мағрур

Ёруғликлар узала тушган
Чўкка тушиб ўтирар исмим
Умидимнинг кўйлақларида
Рақс тушади ярадор қисмим

Ачишади кўзим бўйида
Гул бўлишни истаган кунлар
Қоқаялман юрак устига
Ойдан тушган мовий кукунлар

Лабларимда қор тўлқинлари
Осмонда кун тунлар осилган
Пешонамга учқур чизиклар
Ва охирсиз шеърлар ёзилган

2010 йил

ҚУММАКТУБЛАР**1-мактуб**

осмон жуда олис
 ер олис-олис
 мовий сандиқларда
 қайғу кукуни
 юрагим шишагул
 қирмизи денгиз
 ҳар бир забонида
 қирғоқлар окқуш
 соҳиллар
 сочлари узун шаршара
 кўзимга сачрайди
 шовқин — назокат
 қуёшни бошига кўтарар осмон
 ҳеч кимга билдирмай
 потрар ғамҳовуч
 киприкларим ораси сувсулув уммон
 сочимдан сирғаниб тушар оёққа
 тақдирнинг кесилган тол хивичлари
 кўзларимда юввош тортади йиғи
 исмингиз умримда ухлаб ётибди
 кириб келар тонга
 чиқиб келар тунга
 ёйилган
 ойнафас
 хавотир

2-мактуб

деразамда шитирлар
 ёмғирли мактуб
 сирғалиб киради симбурагичдан
 ўнгимда
 сўлимда
 баланд-пастимда
 дарахт ҳақидаги дарахт сояси
 ўрмон ҳидларини ортқилаб учган

қанотлари мум ҳаяжонда
 учоқлар ясаб ҳар бир япроқдан
 мана ой келтирдим мен сенга дейди
 буниси учар гул
 заъфарон чўққи
 югуриб югурар бўғзимда ҳовур
 санчилиб оғрийди бармоғимда бахт
 ипак гулкосада ёвқур табассум
 олғир ҳисларимга тўкилар
 бош чайқайди тасвирий
 соғинч

3-мактуб

сахройи сўз
 сувсаган овоз
 тузи пастдир ўтинчларимнинг
 дилингизга қарар
 қоғоз — оқ кемам
 қиёлаб куйлайди
 булбул булутлар
 қумпарчалар — жавдар хатларим
 қумпарчалар — юракўнглагич
 қумпарчалар — зарчодир юлдуз
 қумпарчалар — шафақ силкиниш
 ортга қайтар йўқнома ҳажр
 оёғини узатиб жонга
 кўзларимда васл алпқомат
 туриб берар
 йўлда қолган кунимга

4-мактуб

оёқларим тўла йўл менинг
 ўнқир-чўнқир ипак йўллари
 енгилимни оғир қилган-у
 оғриримни елдек этмаган
 нимталанган нозик уфуриш
 эсаётган шамолли ҳовуч
 шам ва шамол

түзгиган ёғду
 овозини баландлатар тонг
 ойдинлашар ойнаванд осмон
 оёқ-қўлларимда камалак арқон
 ечилиб-тақилар
 ҳижрон тугмаси
 қараб кемтилади ярқироқ сана
 қошингизга келган тоғлардан ошиб
 ойкулгич малика
 қоғозбанд сабр

2011 йил

* * *

Ўлчамайман оқ кун кўк кунни

қаричимга сиғмас ер осмон
 қўлларимда оловларимни
 гуллатяпман
 гуллар ҳур жазо
 одимларим ўлчовсиз ўкинч
 чорлайверар умримни йўлга
 қайтиб келар оғриқлар жангдан
 қайтиб келар йиртилган илинж
 қаричимда
 оҳим гулу зор
 яшил ўлчов япроқлар доғ-доғ
 синган жаранг
 ичиккан ҳовур
 чирпирак
 шўр кўнгли бойланган
 қаричимдан тошган юракни
 гул юзига кетяпман сочиб
 бахт қийқими
 ямоқ тушган сув
 қирғинбарот энг сулув
 ғулув

2011 йил

* * *

оёқ ости бўлган бахт қаршисида

термилиб тер илиб тийра лаҳзага
 илма-тешиқ бўлган азобнинг
 рўпарасида тек қотиб
 юрак ости қиляпман севгингни мен
 сайрга олиб чиқдим жароҳатимни
 лола сайлига борган
 гугурт кутидай
 зумрад тўғноғичдай
 қизил бутокда
 оёқ учида юриб бой хотирларни
 юрак учида мангу силкиниб
 юрак ости қилдим соғинчларимни

2011 йил

* * *

Саболар дарахтга куй осиб кетар

ранглар ҳисларимда қуйма овоза
 ойнада ой кулар сочи патила
 Кунлар кунларимга дастхат битади
 сувнинг чиптасида денгиз нуқси бор
 силкинар гулларнинг гулдор қўйлаги
 Ёвшанлар ифори шудринг бўйида
 ойдинлик қилишар кенгликлар умрин
 шуълаларнинг рақси камалак кулгу

2011 йил

* * *

туғилдим

мен чоғланган кумуш қўшиқлар
тебранади
йўллар
йўловчи кафтим
қўз ёшлари қизил
сизилган гуллар
қўлингни узат титроқ
мени қутқар ишқ
қўзларимда потрагувчи
жунун қўшиқдан

2011 йил

* * *

гуллар тушларимда қизикқон хужра

ойнинг чехрасида камалак кулгич
самога бойлоғлик оҳим иплари
елкамдаги хуржун – дард ушшоқлари
қўзимдаги ойна париларники
ойдин кулгуларим экилган борлиқ
қушлар суврати меҳрбанд дарахт
яшилликлар тили кесик ифода
ой карахт
кун карахт
фаришта фасл
сочларим торлари ёйилган оқшом
ерга қараб борар қорачўғларим
кетяпман
кетяпман
занжирли
ҳис у

2011 йил

* * *

**йиғлаётган
кулаётган**

сабр
 қўли тўрт
 оёғи саккиз
 кўзи минг сабр
 кириб чиқиб юрар
 ой дарвозамдан
 зулфунни шақирлар
 музликларимнинг
 менга қараб турар
 сенга терс туғилган
 эзилган тизилган
 навжувон сабр
 бармоғимга юқиб қолар азоб
 елкасини қисади шодлик
 шитирлаган кун
 қорачиғин
 ёнида мунғаймас мунислик
 сабр
 ҳайдасанг ҳам кетмайдиган
 бинафшаранг юзи
 сарғаймайдиган
 қоқсанг тўкилмас
 урсанг ўкинмас
 қараб тураверар
 ичидан кулиб

2011 йил

* * *

ҳислар уюм-уюм

кўнглим уюм-уюм
 қайрилиб қарайди юраккуш йўлак
 умримнинг энг иссиқ соҳилларида
 гирдоб гуриллайди
 илинж қора кўз

2011 йил

ЙЎЛ**Саратон**

сабримда чапак чалади
 иссиқлаб бормоқда
 барқут соғинчлар
 эшигимдан кириб келади
 сизни туғилтирган
 илинжлар
 курси
 ёноқлари
 қора чизиқли
 қовушмаган қўлнинг
 ёт назарлари
 сарғайиб
 сарғайиб
 кўкарган мангу

2011 йил

* * *

йўллар

узилмаган
 ял-ял туморим
 ясалмаган севинч калити
 фаслдан-фаслга йўлсизлик
 аслим
 кўзи қуримаган
 шўрманглай
 камим
 сизга етолмаган
 сиз...га... етолмаган
 қалқиб бораётган
 заъфарон
 соғинч

2011 йил

* * *

бахт беролмайман сизга

бахтнинг ўзи йўқ
қўлимни тўлдирар
бўм-бўш ҳаяжон
қаранг қараб турар
касалманд қувонч
кўзларимдан чиқиб келар
кўзсиз ғалаён
айтинг ахир қандай
қайрилай
деразангиз
тикилса
жудаям иссиқ

2011 йил

* * *

Булутли кунларни

кетяпман алдаб
қовоғи уюлган
деворбанд шодлик
ёмғирга шайланар
иссиқлаган вақт
кўзлари қизарган
қадам кундузги

2011 йил

* * *

Бармоқларим кўшиқ айтар

йиғлар силкиниб
 силтаниб силайди симқоққичимни
 рақамлар мовийкўз
 рақамлар ёвуз
 тушунмас
 терилмас
 юракдан тушиб
 баргли арқонларим
 йўл олар йўлга
 юракнинг урфида излар сўзингни
 қайтиб келар жангдан
 бошлари эгик
 титилган
 эзилган
 рақамлар бошсиз

* * *

мен лабимга босган сўл тасвир

тасаввурнинг бўғиқ бўлаги
 очиқ деразамнинг ёғоч кўшиғи
 қочқин рақамлардан сачраган қутқу
 ўнг қанот сўл қанот табассум бўйлаб
 изтиробнинг ер ости йўли
 ҳар кун йўлга чиққан ҳорғин адолат
 ҳар кун йўлдан келган сизсизлик базми
 момоталоқ бўлган гулдурос юрак
 шамолга қўл кўтарган шуъла
 чўнтагига қўл тикқан дийдор
 учиб тушган кўникма ҳижрон
 ёйилгандир тўқилган севинч
 ёйилган-ку дил шокиласи
 йўл қурганман нилуфар билан
 булутгуллар тутиб осмонга
 мен лабимга тутган ўнг тасвир
 совутилган аччиқ ҳарорат

* * *

мен

қирқ оёқли
сизталаб йўлни
юриб ўтаяпман чап оёғимда
кулгич ўмарган тонгларни
кўкрак қафасимни синдирган сўзни
синиқларин бағримга босиб
новдаларнинг ямоқ кўрпадан
чиқаётган заъфар оҳини
лабларимга қистира туриб
қиёфамда тўхтаб қолган
занг фароғатни
зийнатдоннинг ичига суриб
ясси зарраларни юракдан қоқиб
юриб ўтаяпман ўнг оёқ билан
юриб ўтаяпман минг оёқ билан

Қадрдоним Улданој Бахтикириевага

Ўзбекча ўсяпти менинг сочларим

зеб беролмас бирон қўғирчоқ уста
ўстиролмас бундай дарё сочларни
оролаб жилолаб шуълалар билан
кўзимда кўкланган
қоп-қора қувонч
тўхтасам тўхтайди
юрсам юради
шундай бекам менда
соғинч толаси
юрагим юрагимни аврайди
қаранг ўзбекча-ку табассумларим
қиёфамдан тушмас башанг либосда
йиғлайди оч пушти ибодат билан
лабим ёриғида табассумларим
зирҳланган ҳавонинг ипак қуюни
зирҳланган хавотир хотиралари
менга қараб турар кечаги кундан
ҳайдалган нимтатир
митти силкиниш
оёғим
қўлларим
бармоқ
тирноғим
учар от учар туш учар кўк соя
юрак ҳошияси қирмиз тасодиф
сочларим
ёйилган қутлуғ ичкиш

2011 йил 15 декабрь, Тбилиси

ЙЎҚДИР

Йўқдир юраксоз йўқ дил чегаловчи

Йўқдир Ханой деган сувюрак шаҳар
Йўқдир чўккалаган қирмизи ифор
Йўқдир сенинг Ерда туғилган кунинг
Йўқдир япроқларга ишланган расминг
Йўқдир қувлашмачоқ ўйнаган соя
Йўқдир ғамнинг ҳали ошиқ кўзлари
Йўқдир оқ ва қора сарғиш ифода
Йўқдир ёмғирдаги кун шитирлаши
Йўқдир соябон тутган булутлар
Йўқдир шаббода йўқ тоғранг кўйлакли
Йўқдир изтироб йўқ кемтик залворли
Йўқдир қўлларимда денгизли сочлар
Йўқдир нафасинг йўқ олтин хулоса
Й-Ў-Ў-Ў-Қ-Д-И-Р

2012 йил 20 февраль

БОРДИР

Бордир қуримаган кўз ёшли арқон

Бордир қайғу-ғамли қароқ қирғоғи
Бордир кўланка бор соядан бахтли
Бордир юрактуғун ҳеч ечилмаган
Бордир новдаларнинг титроқ учлари
Бордир шилдирашли бир маъсум хуруж
Бордир осмон бордир қўл акси тушган
Бордир Ер бошингдек айланаверган
Бордир бармоғингнинг хур қисирлаши
Бордир бўйинг билан бўйлашган жаранг
Бордир назокатнинг ола хуржуни
Бордир елимланган дил харитаси
Бордир ғам қамалган пушти чангалзор
Бордир қаҳқаҳа бор шўрманглай кулгу
Б-О-О-О-Р-Д-И-Р

2012 йил 21 февраль

ХАНОЙДА ТУНГИ ТУН**Ҳижрон кўзларимда қўйма дилпардоз**

баҳор юрагимда донишманд наққош
қирмизи юракдош қалтирар кўнглим
изимда буралар
бир юввош
кўз ёш

Ичимнинг илдизи тилланар тилар
ғариб табассум бор лабим четида
кафтим чизиклари қонар тўлғониб
овозингни тўккин ҳовучларимга

Юрагим юрагимдан кетар юз буриб
майсаларда заъфар дил тўғноғичим
овозинг тубида чўккалаб Меҳрим
ўчириб бўяйди дард ўчирғичим

Мавжларнинг сояси қорачўғимда
ёнимда ўсяпти яшил ҳайкаллар
гулларни гулларга кўмиб ташлаган
ифорлар иродамда майин чайқалар

Тунни кипригимга бойлаб оламан
юракнинг соати чиқиллар чиқлар
овозингни бергин яшаб олайин
бахтимда бошланмай ол ҳиқичоқлар

Қара томиримда ямоқлар қат-қат
қара тирноқғулда тирноқдилларим
исмим тутилмаган бандаргоҳларда
кўтарилиб борар муз ҳовурларим

Ханой юрагимда нон ушатади
сочимда кўтаргум бахт ушшоқларин
кўзим ойнасида занжи қўшигинг
томирларим менинг вақт машшоқлари

2012 йил 7 февраль

ҚУВГИН

Ям-яшил барг ёғди баҳор тонгида
Қорга ўхшаб ёғди улар дарахтдан
Новдалар намли қувонч пуфлади
Қўлимга қўнди яшил секинлик
Новдадаги қуш дардини
Олиб учди улар
Қувладим яшил бўёқли хотирани
Автоулов минган шовқинларни
Икки оёқли севинчни
Ва тўрт қулоқли
ювилмаган
дарзли илинжни
Умидни бошига рўмол ўраган
Симузатгичнинг
Темир камзулдан кейинги ҳаётини
Сувратдан қараб турган иккиликни
Қўл кўтарган ўриндиқни
Ичига туфлаётган
Чоки сўкилган настарин тус кўйлакни
Сўйилган олманинг кўзларини
Хаёлни
ҳаётнинг сочидан тортган
Тахмонда терилган
Ҳали қўл тегмаган шодликларимни
Сувнинг ёруғлигини
Кўтариб кетган сопол кўзани
Тирноқларимда гуллолмай ўсган зийнатни
Тиш суғургичнинг
Сочиб юборган оғриқларини
Ойнани
Ҳеч қачон ичимнинг берк кўчаларин
кўрсатмаган маъюс ойнани
Гулқоғозда кўз сузган ясси қайноқни
Тунни
Ғужанак ифорни
Солланган ипларнинг додини
Қувиб кетаяпман
Қув-ла-я-п-ма-а-а-н
Мен

МАЖНУНСОАТ

Мен асли
Қум эмас қуёшсоатман
Яралганман вақтнинг оқ шеърларидан
Томиримга ўйиб ёзилган сўзни
Ўчириб турибман
Мунгулгич билан
Пешонамда йиртиқ қисмат афиша
Театрга чорлар қўғирчоқларни
Сочлари минг ўрим елим қизчалар
Силкитиб ўйнарлар ғам мунчоқларин
Мен қумсоат эмас дарёсоатман
Чиқиллаб кўрсатар мавжлар бўй-қаддим
Чиғаноқ қўйлакли кўнглимни ечиб
Кўтардим қуроқли Бахт елканларин
«Менга қара» дейман қарамайди Вақт
«Тўхтаб тургин» десам тўхтамас соат
Асрларни қувган ҳуррақам миллар
Ойнам осмонидан ёғдирар гулхат
Пешонамда сўзлар чордона қуриб
Ёвқур илинжларнинг чизар тарҳини
Томчилар чиқиллаб ювганда вақтни
Ҳислар – сувсалтанат нилуфар шаҳри
Мен қумсоат эмас жунунсоатман
Қонимда чайқалар қайғу бошоғи
Чумчуқ зар чўпига хонатлас ёпдим
Қудуқдан куй тортдим кўз ёш қайроқчи

2012 йил 6 апрель

* * *

Кўйлагим осилиб турибди дорда
мен кечаги
дарахт тагидан олиб ўтган ғамларимни
ювиб илиб қўйганман
осилиб турибди дард томчилари
қайғу чакчаклайди кўйлак гулидан
шохалар
кўйлак этагидан тушиб
тўпроқ қаватига юрак отади
ўзига ўхшамас бошқа дарахтдан
кўзлар қирғоғини излайди барглар
мен кўйлагимни илиб қўйибман дорга
етти кунлик
дилнинг
қириндилари
чакиллаб
чакиллаб
илдизини отар умримга

2012 йил

Мен вақтга ўхшайман
қиё қарасанг
қувиб юрган жулдур вақо сўзларни
оғриниб-оғриниб очилган гулим
мўъжиза – атиргул шишаларники
кетиб бораётган парли сукунат
кириб келаётган ғамёстик қулгу
минг бўлак қувончу минг бўлак қайғу
япроқни айланиб учар зах туйғу

2012 йил

* * *

Қайғуга кўз сузган қариқизман мен
умид миниб турар учар отини
аёл ҳайкалчалар юракилгичдан
эритиб оқизар мум муҳаббатин
Ёнарқурт ёнганда кун балдоғида
учириб юбордим карвон кипригим
менга қараётган тутилган белги
қаричлаб ўтирар синган чолғуим
Куйлар чиқолмаса кул денгизидан
осмон осилади бошимга тегиб
лабимда эй ҳижрон чизган чизигинг
кўнглимга кўнглини оляпти уриб
Чалиб ўтаяпман тешик дойирам
бошлари айланган оёқ-қўлимнинг
кўзим минг нусхада чиқараверар
боши берк тунларнинг сувратларини

Кўзлари осилган париқизман мен...

2012 йил

* * *

Топиб бер деб сенга ялиндим

Умримнинг кенг кўчаларини
Қорачўғларим узра силкиндим
Чертдим тушлар дарчаларини


Меҳр мудраётган боғларда
Умид чап кўзини қисади
Кўнглим титраб турган тоғларда
Исминг исмимга гул тутади

Ғудранади ярасўз Дийдор
Висол синган гул узатади
Кўзларимнинг юмуқ шаклида
Киприкларим муз силкитади

Ичим тўла юрак денгизи
Қайиғимда лиммо-лим соя
Сув сачраган шудринг пойида
Азобларим – бадийй ниҳоя

2011 йил

Марварид шивирлар



* * *

Тун кўйлаклари шовуллаб кириб келди хонамга. Нафасига қоқилиб кетдим унинг. Самода ой япроқлари учиб юрибди, япроқ тепалик барпо этди ўзига. Кўзларим тўла бахт, бекитгим келмайди уларни. Тош лаҳзаларга қараб: «Уйғонинг, уйғонинг», — дея шивирлагим келади. Ҳеч кимни киритмайман ёлғизлигимга. Лабларим рангида куйлай бошлайман олтин барглари.

* * *

Биламан, юрагим Ойхонам менинг, Эрхонам у менинг. Унинг дукурлаётган деворларига руҳият тасвирини туширяпман мана. Юрагига энгашиб ўтирган қиз сувратини чизяпман унга. Қизиқ... юрагига энгашиб ўтирган одам нима ҳақда ўй сурса экан, унинг кипригига илиниб чиққан қирмиз шуълада ниманинг акси бўлса экан? Юрагига энгашиб ўтирган одам... мен чиққим келмас сенинг нигоҳларингдан.

* * *

«Туннинг қоп-қора товуши»* сочларимни олиб кириб кетди хосхонамга, қўлларимга кенглик берди у бир ҳовуч. Тўлқинларнинг ҳайбати бор менинг кафтларимда. Олисдаги олисларни олиб келаман мовий ҳарорат билан. Оёқларимни қайтаргим келади ўз аҳдидон, туннинг занжи товушига тикилиб яшагим келади бутун боримча. «Ой синиқлари»* менинг синиқ табассумимга қорилиб уммон ҳосил қилади теграмда... синиқ ой уммони.

* * *

«Энг ширин сўзларни сен учун айтдим»*, энг аччиқ сўзларни ҳам. Юракли сўзларни сенга ата-

дим, юраксиз сўзларни ҳам йиғдим бир жойга. Ниҳоят, Сўзтоғ барпо бўлди қошимда... ҳамма-ҳаммалари сенга аталган. Мен бу тоғни кечиб қошинга келаман, сўзсизлик учун. Чарсиллаб пишаман хаёлларимда. «Йиқилиб кетсам нима бўларди?» – дея тасаввур қиламан сўзтоғ этакларида мажақланиб ётган руҳ ва танамни. Бироқ тасаввуримга эргашгим келмайди ҳеч вақт. Юрагимни олиб тушолмайман сўз чўққисидан.

* * *

«Шамолнинг узун қўллари»* менинг бағри куюк ёлғизлигимнинг қўлларидан тутиб сенинг ҳузурингга бошлаб боролмайди сира. «Оҳ» кошонасининг бекасиман мен, овоза бўляпман томирларимда. Ўз нигоҳларида адашган қизман мен, юрагим учун дор қурган қўлларингни севиб яшаган. ...Энди эса шамолнинг узун қўллари ҳам мени эркалай олмайди сенинг овозингга.

* * *

«Эй ҳайрат дарахтига суянган одам»*, эшитяпсанми, юрагимда қай тахлит чиқиллайди соат? Ҳайдалган миллионлаб дақиқаларнинг олов гулли лаҳзасини тутишга ошиқяпман. Эй ҳайрат дарахтини суянган одам, кўряпсанми бармоғим учигаги бахт лолазорин? Дош бероласанми бармоқларим чўққисининг бу ёлқинига?

* * *

«...Сочларинг аланга»*. Қуёш салтанатига ўхшайди улар. Нурлар занжирида товланади менинг ҳисларим. Шуълалар пиллапоясидан кўтарилгим келади истакларимда, момақаймоқ гулин пуфлайман юрагинг ичра. Ёрдамга чорладим суворий сочларимни, киприкларим билан қўшин тортиб келдим юрагингга... ва, ниҳоят, мрамар товушлар-ла босиб олдим бу мампакатни. Юрак яккаҳоқимлигин ўрнатдим бу салтанатда.

* * *

Мен сочларимни шивирладим сенга. Қўлларимни, кўзларимни, томирларимни ҳам шивирлаб қўйяпман мана. Тун бағрига олди менинг марварид шивирларимни. Кўнглини кўтардим гулларинг. Ойга туташ менинг исмининг жисми. Чайла тикляпман нолаларимга. Шивирлар нақши бор равоқларида.

* * *

«Кўзимга тик боқиб яшайман мен»*. Нигоҳларимга тикилиб яшаётган бу мўътадил кунларда қўлимга, ҳовучларимга тикилиб яшаш истаги туғилди. Мана кафтларим чизиклари – айрилиқнинг мумтоз овозлари... Бу товуш ичида боши эгик орзуларнинг дийдорхонаси мавжуд. Бармоқларим учиди ястаниб ётар тоғлар. У ерда ҳеч кимнинг юраги етолмаган гўзалликлар ухлар. Қўлларимга тикилиб яшайпман мен. Кўзларим кенглигида кезар занжи бир қўшиқ.

* * *

«Ҳилол яраклайди ханжардай

Мен кўрқаман

Пешонамни уриб олишдан»*.

Мен урилган кўзларим, сўзларим ва бори умидларим билан ҳақкалаб кетяпман сенинг юрагингга. Пешовоз чиқаман сенсиз кунларга. Исмингни кўчира бошлайман игналар билан. Юрагинг томон ҳақкалаб кетяпман мен. Ҳайиқаман пешонамни юрагингга уриб олишдан. Қўлларим тўла деразадан бошини чиқариб турган кунлар. Уларни ҳеч кимга ҳадя этолмайман, фақат юзларига дарпарда тортгим келади, оғир дарпарда...

* * *

«Ҳижрон – тутантириқ...»* «Мен сенсиз яшай олмайман», – дейман қўлсиз кечаларга тикилиб. «Эсиз, увол қилаяпман сизларни», – шивирлаб қарайман расида туйғуларга. Гуллай олмаётган гулзорнинг ғуссалари кириб келади ҳузуримга. Мен чўкаётган туннинг кўзларини бекитаман ўйларим билан. Кимгадир ўхшагим келади, кимнингдир фикрларига кириб кетиш истагида хаёлимнинг ёқасидан бошимни чиқариб қарайман кўчаларга: одамлар, қушлар, дарахтлар – бир-бирига сано ўқишади. Қўлларини ушлайман ҳижроннинг, тикилиб қарайман кўзларига. Унинг кўзларида эса фароғат қилади ёлғизлик.

* * *

«Йўлда совуқ ўтди жонимдан»*, барибир, юрагимнинг атиргулларини жўнатаяпман сенга. Атиргул руҳиятида товланади менинг зумрад кечаларим. Унинг бандларини бағримга босганча ҳар оқшом сўз бераман қўлларимга: мен энди фақат юрагимга ўхшаб яшайман дея. Овозим ҳавода муаллақ осилиб қолади. Ва, ниҳоят, гул тутган ниналар-ла деразангдан кириб борар мактубларим. Атиргул исли мактублар... Улардан Идил тўлқинларининг, Африка бананзорларининг, Қорақум саксовулларининг ҳаяжонлари эшитилиб туради. Юрагимнинг атиргули аро ардоқланаётган исмингда жароҳат олади менинг балоғатга етган хаёлларим.

* * *

«Сен йўқсан менинг шўр пешонамда»* Йўқлик сўзи турли хил шакл ясапти теграмда, камалақдай товланади у. Туйғуларим бўйлаб ғилдирақдай бориб келади ўшбу сўз. Умидларимни ғижимлайди ойсиз тўлқинлар, юракдаги жароҳатлар қувлашмачоқ ўйнар тинимсиз. Ҳайиқиб қарайман кимсасизликка.

Кубронинг итига эврилади юрагим... Кафтимда шаф-
фоф кукунлар. Пешонамда эса шўртаккина гул кўнгил
сўрар мёндан.

* * *

«Сени кучмоққа кўлим етмайди»*. Умрим ҳам
етмайди сен томонларга. Сендан бўлак ҳар нега ўзни
бахш этдим. Ҳамма нарсаларни кучдим, яшадим. Кўзла-
римда туғ кўтарди минглаб лашкарлар. Хаёлларимни
кўриқлади тунлар чориқсиз... Бўйсунмас ҳеч кимга ўй-
хаёлларим. Улар тутқич бермас юракпарастлар.

* * *

«Бағрида ой қиқирлаётган аёл»*. Ёлғизлик
қиқирлаб турар киприқларимда. Юрагим – чакалакзор.
Унга киришга ҳайиқади шуълалар. Ойнага қараб кўз
қисади қирмиз орзулар. «Мен ўқилишни истаيمان», –
шивирлайди ичимдаги ҳароратларим. Сенсиз кунлар
пардек учиб юрарлар. Уларга тошдек боғлангим келади,
қимматли тошдек. Сочларимда қиқирлайди туннинг кўлла-
ри...

*остидаги сатрлар шоир Турсун Алининг
«Ой япроғи» китобидан олинган.
2008 йил

Мансур шеърлар



«Сен ҳаддан ташқари золимсан», – дедим кўзгудаги аксимга қараб. Ўтган йили қишга, тоққа кўтарилаётиб тошларга, кеча томчиларга илтифот кўрсатган эдим айнан шу сўзлар билан. Бугун эса...

Аксим қилт этмай истехзо билан тикилиб тураверди кўзларимга. Кейин, кейин сочларим, қўлим, қулогим ҳамда тилимга «золимсан ҳаммаларинг» дея шивирладим қизил гул оҳангида. Кўзимдан кўз узмай тураверди улар. Садо ташриф буюрди қароқларимга. Қоғозга босдим юзимни: ўнгу сўл, чаппа-тескари «сен золимсан» деган ёзувларга тўлиб кетди афтим. Мазлум қиёфамни етаклаганча хонадан чиқиб кетдим кейин. То мен қайтиб келгунга қадар: «Сен ҳаддан ташқари золимсан», – деб ўзини ҳақорат этмайди ҳеч ким бу хонада.

Тамаки тутунига термилиб ўтирдим бугун.

Олисдаги тутуннинг узун-қисқа, ярим-юмалоқ шаклини кузатарканман, шабнам пайдо бўлди қаршимда. Тамаки тутуни ва шабнам ҳовури... Беўхшов бир ўхшашлик кўрдим уларда. Бу дераза тирқишида қолиб кетган шафакни эслатади бир қарашда, яна бир қарашда эса лабларнинг мағрур ҳароратини...

Мен тамаки чекишга одатланмаганман. Агар одатланганимда эди, ёзаётган ҳар бир сатримдан тутун бурқсиган бўларди. Тамаки чекаётган ойимқиз бармоқчаларининг имо-ишораси нигоҳларимни тўлдириб ўтарди кўчалардан.

Тамаки ва олисликлар ҳақида ўйларканман, тутун ҳаракатига монанд фикр юритаман, ёлғизлик табассумига дуч келаман кейин. Бу табассум ичида қайсидир муҳожир шоиранинг изтироб чандиқлари, кулдондаги тамаки қолдиқларининг руҳи кезиб юрибди.

Тамаки чекиш азоб, бунга одатланмаганман дейман муҳожир сабоқдошимга. Тутун ичида ўтириш эса... бу бошқа гап.

* * *

Ҳаёт менинг юрагимда улкан-улкан қадамлари билан айлангани-айланган. Тунлари эгилиб, тонгда тикилиб қарайман унинг қадам олишига. Ялтиллаб кетади марварид одимлар.

«Эй Худо», – дейман ичимдаги бўшлиқни тўлдириб.

«Эй инсон», – дейман кўзгудаги аксимга тикилиб.

«Эй кўёш», – дея қўл узатаман бўсағамда турган қийшиқ кунларга. Эҳтиромли илтижоларим пешонамга тегиб қайтаверади бирдай. Ҳаёт эса йў-ў-ўқ ҳеч қачон чекинмайди. Гоҳо бошини чайқай-чайқай, гоҳо кўзларини юмиб, баъзан бир, баъзан эса икки оёқлаб айла-нишда давом этади менинг юрагимда.

* * *

Замҳарир ҳақида илиқроқ фикр юритишга интиламан доим. Дейлик, ўта истеъдодли қиш оқшомини ҳам жануб ҳақидаги жазирама хотираларим билан иситишга куч топаман ўзимда. Қалин ёққан қор устига оёқ қўяётиб қумликлар бағрида кетаётгандай, совуққон дарахт шохчасида баҳор кўйлагини ушлаётгандай кўрасатаман ўзимни. Қаровсиз бу ҳаракатларим ҳам баҳор мамлакатига элтолмайди мени. Фақат, фақат юрагим, қулоқларим ва кўзларим орасида қирмиз оқшом чарсиллаб-чарсиллаб турганини ҳис этаман олис оппоқ тунда.

* * *

Сен мени ёмғирга ўхшатардинг мудом, ерга қараб ёғаётган ёмғирга. Тушларимга кириб чиқарди томчилар, баъзан тушларимга кирганча чиқишни истамай қоларди улар. Бугун эса томоша қиляяпман юрак уришига монанд ёғаётган ёмғирни. Сокин хаёлчанлик ёғар эгизак томчиларда.

* * *

Кўзларимда тўй қилди бир тўп оломон. Оддий кунларни бўсағамдан хайдаб солганча менга оқ оппоқ кўйлак кийдиришди сирли оқликда. Қоп-қора пешонамга тушиб турган сочларимни оппоқ сочбандлар билан йиғиб олишди улар.

О-о нақадар ҳавасим келди ўшанда оқ кўйлаксиз кизларга менинг. Чиқиб кетгим келди оқ кўйлак ичидан. Начора, бу кўйлакнинг шўр этакларига муҳрланиб қолди менинг мангу ҳисларим.

Ҳамма гул-гул ясаган, табассумлар сочилиб ётибди гир атрофимда. Бахт сўзини судрашади у ёқдан-бу ёққа, ҳаммаёғи шилиниб, моматалоқ бўлиб кетган Бахт зорланиб қарайди тилакхўрларнинг кўзларига. «Эй одамлар, олиб кетинг Бахтингизни», — дейман уларга. Афсус, ҳеч ким ола кетмади тўйхонадан бахти қора Бахт сўзини.

* * *

Нега кўз олайтириб қарайсиз менинг ўтаётган ва ўтмаётган кунларимга? Ахир, уни сиздан насияга олмаганман, ўз ҳаётим-ку у! Йилларки у билан қўллашаман, кўчада сайр қилдираман, тунбўрон ўйнайман зим-зиёларда.

Уни елкамга кўтариб, дераза олдида ўтирарканман, бошқа биров бош чиқариб қўрашини истамайман ҳеч қачон. Ёки кимдир ўзининг бесўнақай қўллари билан пахта қўйишини хохламайман ғамгин сукунатимга. Сизнинг уммон ҳақидаги фикрларингиз оқизиб кетолмайди менинг ҳаётимни.

Ҳаётимнинг ўта шахсий қирраларига қўл теккизарканман, бармоқларим учидан тикка туради мен туғилган кун.

Мусаввирнинг «Бола кўтарган аёл» деб номланган сувратини томоша қилдим бугун. Назокатнинг мағрур хўрсиниқлари кўтариб турар болани. Айрилиқ, ҳижрон ва фироқнинг қўлларида ухлаб ётар норасида. Гўдак иси анқиётган бўёқларни ҳамма-ҳаммадан қизғанарди шабада.

Ўз япроқларининг сирли шитирини кўришдан маҳрум дарахтнинг оқсоқ табассуми кўринади сувратга яқинлашсам. Оғриқли нигоҳларнинг авж ноласига дуч келдим ҳар гал нафас олганимда. Суратдан узоқлашганда эса қайнар муҳаббат булоқчасидан сув симиргандай бўлдим. Икки дунёда ҳам ниҳоя билмайдиган азобсевар гўзалликнинг малоҳат билан пишиллашидан қўлларининг қимирлашини ҳис этдим. Дукиллаб ураётган юрак устига қўйилган митти бошчага лабларимни босарканман, ҳароратга оналик қилди бори вужудим.

Она ва бола дунёси атрофида ҳаётнинг қадам олиши эшитилмасди. Энг мумтоз лаҳза муҳрланган бола пишиллашига. Баҳодир аёлнинг қўлларида эса ҳаёт чирпирак айланарди.

* * *

«Бахт астойдил кутсангина келади», – дейишади.

Ана, у келаяпти...

Ана, у жуда ҳам яқинлашди....

Ана, ҳамма бахтсиз кунлар юзидаги тўрни туширдим. Мен уни минг йиллик донишманд туйғуларим билан қаршилашга тайёрман, таппа-тайёр!

2010 йил

БУЛУТЛАР КЕСИШУВИДА

Деразамдан тушаётган ёруғлик толаларига Бахтнинг, Изтиробнинг, Йўқлик ва Борлиқнинг оёқ товушлари қоришиб, хонамга осудагина ёпирилиб кирган бир пайтда, бинафшаранг қалам билан кўлларим юз кўришди... Қувончдан, азобдан бармоқларим учигача ўрлаган титроқда булутли юришларни хис этдим. Мен ҳар доим ўзимни, орзу ва ўйларимни, хаёлларимнинг зангор кирғоқларини енгиб яшашга уриндим. Бироқ бўлмади: ниҳоят, сулув сўзлар мени маҳв этдилар, булар мени сиз сари йўлга чорлаган СЎЗЛАР.

Шаҳарлар кўз ёшларга ишонмайди, мен ишондим. Дарёлар оёқ кийимни хуш кўрмайдилар, мен дунё кезгувчи пойабзалларни хушладим. Ранглар тортишувида уваланиб кетган сабо сабрларини «ёзғит» деб қаршиладим. Уваланган сабр қирғоқларида эшавердим эшкак. Булар, барибир, мен англатмоқчи бўлган маъно ҳосиласи эмас. Моҳият ҳамиша моҳиятимдан мустақилроқ юриш қилаверди. Ҳар сония томирларимда ғалаба қозонаётган, асир тушаётган ва мағлуб бўлаётган минглаб, милёнлаб лашкарларнинг энг ожиз маликасига айландим мен. Ўзимни сўзимнинг ёнбошида гирдикапалак бўлаётган булутли кунларни этакларимдан силкитмоқчидек кўрсатибман. Шабадага сочларимни силкиб эмас, уларни темиртурмак билан турмаклар қарши чиқаман деб ўйлабман. Умримни, тақдиримни шабнамга сочбанд этибман.

Биз топишни, эришувларни хуш кўрамиз, йўқотишничи? Бой беришни, воз кечишларни-чи? Уларни ҳам сева оламизми, ўз маҳбубимизни севган монанд? Юрак дукурларига дош бера оламизми соат кафгири билан басма-бас? Муҳаббат воз кечишдир қабалидаги Ундовга бутун борлигимиз, қирқ ва ҳоказо кокил туйғуларимиз билан бош эгамизми? Бошим ҳеч эгилмайди, хаёлларим тугилмайди. Кўлларимни, кафтим чизикларини озодликка кўйиб юбораман. Кафтларимнинг ҳуррияти билан тонгга мезбонлик қиламан. Ғовак умидларни, музлаткичдаги орзуларни мўътадилликка ўргатишни истайман. Истаклар мўътадиллашмайди, хаёллар ҳарирлашмайди.

Қадамларимни санаб кўтариламан юрак зинапояларидан: бир-икки, бир-ик-ки, бир-ик-ки-и... Рақамлар рақамлар билан чиқишмайди, сўзлар сўзлар ила қўл уш-лашмайди. Мен эса юрагимдаги энг, энг, энг маҳрам одам билан қўл ушлашиб кетаман. У ерда осудаликлар бор, у ерда чўққиларни тинглаш мумкин, бетиним шовуллар унда ўрмонлар.

Кўзларимда дераза очар қароргоҳингиз. Судралиб кетаётган тақдирнинг оёқларига тиз чўкаман: мени халос эт юрак занжирларидан. Занжирбанд малика ҳеч ким чиқмайдиган қояларга, осма баргли илинж кўприкларига қадам ураверади. Томирларимда сим қоқади боши берк кунлар:

– Алло, неча ботмон сизда қайғу маржони?

– ...

– Сиз изтиробнинг қайси бурилишидасиз?

– ...

– Булутларнинг кесишувида осифлиқми ҳаяжоннинг ёмғирпўшлари...

– ...

– Нега ҳадеб осмонни безовта қиласиз? Кўзларингиз чуқурлашиб боряпти нега? Юракилгичингиз не учун бўм-бўш?

– ...

Мен чекиняпман товонларимда, киприklarимда, кўнгил сохилларида. Киприklarимда дорга чиқар шоввоз умид дорбози. Титрар илинждаги оқ-қора аралаш кунлар. Ана яна оёқ товушлари: тақ-тақ-та-ақ-тақ-қ-қ-қ, улар тақиллайверар, мен қарайвераман, келмайдиган онларнинг тақ-туқи улар. «Эҳе-ҳе-ҳе-ҳе-е-ей», – дея юрагимни силкитаман узилган япроқ уюмларига. «Сиз кимнинг қизисиз?», – дейди ўнг ёндаги ҳамроҳим. «Ойдан ҳусн тиланг, улашарми сизга гўзаллигидан?», – тикилади айланма шакл, «Бахтнинг барларидан осилдингиз бунча?», – кўзларини олиб қочар омадсиз саслар, «Кимнинг суюклигисиз?», – дейди тумонат борлиқ. «Юрагингизнинг ҳажми қанақа?», «Орзуларингиз неча фарсах келади?», «Ёстиғингизнинг намчил гуллари Ван Гог асарими ёки Рўзи Чорининг», «Ёлғизлик кўчасига қандай борса бўлади, Дийдор овулига-чи?», «Исмингизнинг ўксик

қирғоқларида қайси фариштанинг ишораси бор?», «Кафтингиз бекатлари нега сукутда?», «Оҳингизга рақс тушарми туннинг қуйқаси?», «Уҳ»ларингиз – зийнатингизми?» – чуғурчукдай сўроқ бошлар саволдошларим. Елкам узра осифлиқ манзаранинг ранги бужмайиб кетар. Туйғуларим дўконини ёпаман, Полвон Пир бобом ўз дўконини ўтмиш юзига бекитган мисол. Ойдан Ой, Кундан Кун, Тундан Тун туғилади, Мендан эса Мен туғилмайди. Кўзларимда синган шуълалар билан кутиш машқларини бошлаб юбораман, мен энг қойиллатиб уддалайдиган машғулотлар улар. Чўнтагимга чумоли бекиниб олади, алланечук бўлиб кетаман, агар чумоли гул бўлганда, нима бўларди? Димоғимда қандай ифор навбатга турарди?! Алланечук бўлармиди вужудим – исми?

Ниҳоят, ниҳоят, кўксим тўла ямалган умидлар билан қарши чиқаман акс садоларга. У ерда мени танигувчи кўз ёшлар уюлиб ётар, мени тушунгувчи нолалар юрак ютиб турар. Менга, менга юз ўгирган товламачи шодлик оёқ чалиштириб ўтирар. Излайвераман, излайвераман, Морис Метерлинкнинг «Сўқирлар»ига эвриламан гўё. Ҳаммаёқ бўм-бўш. Топилмаган ҳаяжоннинг тафтларидан эриб кетар жанубий қутблар. Ивиётган музликларнинг баҳор олдидаги ўтинчлари, саксовулларнинг сахрога битган шеърлари улар.

Ана учоққа кўтариляпман. Мингта тешикдаги текширувлардан ҳам битта чипта билан ўтиб кетаман. Ичимдаги бир тўп оломон эса бош чайқай-бош чайқай ҳаво кемаси пиллапояларидан кўтарилади. Эълонларни қулогимга пахтадай тиқиб қўяман. Кимсасиз, жудаям кимсасиз ўриндиқ билан сирлашгудай тутаман ўзимни. Ана ёришаётган зангор бўшлиқлар, ана тилагим товонида ярқираган сўзлар, ана булутларнинг меҳр муюлишлари. Булутлар осмон далаларига чизик ташлаб ўйнар бекинмачоқ. Сизга етгим, ўйларингизнинг қолган ярмида давом этгим, сукунатимнинг чақинлари билан бағрингизда ярқирагим келади. Ҳамма-ҳаммаси олисликнинг мавҳум шакллари чизаверади. Нега? Сиз қаердасиз? Йўлларим нега қизил йўлтўсгичлар билан ўралган? Мен излаётган гул қайси гулзорнинг тўнғич ифори? Оёқларим-

нинг ҳалокатидан бошланарми Дийдор қўналғаси? Бекиниб олган туйғуларим бош кўтарарми? Булутлар мени ёғилувчан ёмғир қилиб сизга бошлаб борарми?

Мен ҳамиша кутиб яшадим: тунни, тонгни, камалакнинг зим-зиё қўшиқларини. Овозга қўйдим чалажон назокатларни. Ҳазон хазинасида, жудолик ҳузурларида, кўзимнинг тарновларида, Изтироб базмларида, Матн бозорларида, Висолнинг мангу ёпиқ эшикларида, Симқоқ-кичимнинг нурланган дукурларида, Сочларимнинг ёйилган ичкишида, Кафтларимнинг адашган чизиқларида, Ҳаёт ҳадикларида, Сизга қараб толиққан гулнинг ифорларида, Ой бориб омон қайтмаган орзуларимда, Йўқлигини мия тўқималаримга банд этгучи мангу ҳижрон қасидаларида, Шовуллаётган товуш ҳаракатларида, Тушларимнинг сиз кириб чиқиб кетолмаган маҳзун хоналарида кутиш салтанатини обод этипман Мен.

Кўзларим – абадият бекатлари: кутаман, кутаман, кутаверама-а-а-н. Сиз келмайсиз. Чунки ҳар доим шундай, кутганларимнинг эмас, кутилмаганларимнинг мутлақ соҳибасига айланаман. Шундоқ рўпарамда турган Бахтнинг бахтсиз нигоҳлари ҳайдоб чиқаради мени ташқарига: менинг Сувга ҳам, Ҳавога ҳам, Ерга ҳам ҳеч қандай мактубим йўқ дейман бир маромда чиқ-чиқлаётган Қуёш соатига қараб. Сизга ёзганларим қуммактублардир. Майдаланган дақиқаларни оралаб топиб оламан нафасўнглагичимни. Кеча «Анор қаҳвахонаси»*да ўтди манзиратларим, кейин, кейин «Ҳислар қадди-бўйи»**, «Уйқусизликнинг параллел чизиқлари»*** безовталиқ соятутгичини тутди қўлимга. Ҳимоя йўналишига бориб тақалди узик-узик ҳислар. Соғинч арқонида сакраётган қизалоқнинг сувратини илдим пешонамга. Ёзуқларимни яшираман, ажинларимга гул тутаман, балиқ монанд суза бошлайман ой денгизиде. Чиқаман – қайтиб кираман, чиқаман – қайтиб кираман, чиқаман – қайтиб кираман: ҳаракатларнинг бир хиллигини туйғулар турфа хиллиги билан чатиштириб юбораман. Кундалиқ нафас, кундалиқ соғинч, кундалиқ азоб, кундалиқ туйғулар тутқаноғи, кундалиқ юракбойлоғич – мана насибамнинг тўкилган увоқлари. Елкамдаги халтам тўла Дард ушоқлари... Териб сочишда ҳузур туяман уш-шоқларимни.

Мен само йўлларидан, булутлар кесишувидан, ҳаво чорраҳаларидан туриб сизни излаяпман. Оёқларимда узу-у-у-н арқон, қўлларим ҳам шу тахлит йўлга отланган. Исмингизнинг буюк адиб асарига монанд эврилишларига бошлаб бораман Сўзимни. Мен сизни излаяпман: Ой билан, Қуёш билан. Сизни ахтаряпман: Шам билан, Шамол билан. Кўзларимнинг оғушларини тўлдириб кириб келмайдиган кун шамойилини кўриб турсам-да, «Ё Оллоҳ дўст, ё Оллоҳ, Ҳақ дўст, ё Оллоҳ» деган томирларимдаги ўчмас жарангни қисматимга қориштириб юборган эсам-да, шаҳид туйғуларимнинг бошини кўтаролмасам-да, юрагимнинг рақамлар сарҳадсизлигини таъминлагувчи дукурларини овоз кучайтиргич билан сизга етказолмасам-да, жароҳатларимнинг кўзларига тик қарай олмасам-да... Сизни излаяпман. Гир-гир айланаётган бўшлиқларга қўлларимнинг ҳеч қачон сўралмаган қиррасини узатаман. Сизни чор-ночор ахтариб ўтказган умримнинг тимсолига айланган унда Вақт. Ўз юрагидаги мангу тўфонлардан, абадий урушлардан чиқиб келаётган баҳодир маликага ҳарфий ҳайкал ўрнатар улар.

Умримнинг оқ ва қора дафтарини юракка тутиб, настарин тус хаёлларимни тўлдириб яшашингиз илинжида Ер ва Осмон оралаб булутларга омонлик тилаяпман. Улар менинг эртанги Ёғиш****ларимдир.

Изоҳлар:

* «Анор қаҳвахонаси» – арман шоираси Каринэ Халатова.

** «Ҳислар қадди-бўйи» – рус шоири Алексей Паршичиков.

*** «Уйқусизликнинг параллел чизиклари» – шоира Сона Ваннинг шеърини китоблари.

**** Ёғиш – ёмғир (Ҳоразм шевасида).

2010 йил ноябрь, Москва

Шарҳималар



* * *

Шимолда куз –

сарик балиқча,
у охиста сузиб ўтади
шудрингнинг оқ япроқларидан
ранги кетган кўёш
ва ойнинг совуқ денгизи томон.
Дарахт шохалари сокин тўр каби
овлайди,
тўкилаётган юрагимни менинг.

* * *

Сездингми –

кеча яна кириб келди қиш,
қорли қуш уясини
ўзи билан олиб келди у.
Сен йўқ эдинг ерда,
йўқ эдим мен ҳам,
қушларнинг ҳеч кими йўқ эди,
кимсасиз эдилар қайтиб кетишга.
Кафтимга тўкилар ойнинг томчиси,
тушларимга кирди қайтадан
орқасига қайтаётган баҳор...
Қор эса тўкилар
ҳаётдан кўз юмаётгандай.
Биласанми,
ислоҳ қилиб бўлмас энди ҳеч нени.

ЎҒЛИМГА

Оёқларинг кун бўйи
чошиб юрди майсалар бўйлаб,
толиқди улар.
Кўлларинг самода
рақс тушди қушчалар билан
ва ҳоридилар.
Кўзларинг тикилди кўзимга,
табассумли эди улар,
аммо ҳорғин табассумларинг
олисларда сукутга чўмди.
Ухла, ўғлим,
тушларингга кирсин
ойнинг ортидаги гуллар...
Ухла, миттигинам,
уйқунг бахтли бўлсин бу дунёдаги,
тушларингга қадам ранжида қилсин
майсадаги нур.
Биз эса излаймиз
ўтлоқдаги яшил қуёшни.
Ухла, ўғлим,
кўзингни очма,
кўз очмаганинг ушбу оламда.

* * *

Эртага оқшомда,
қора рангли ёмғирдан кейин,
капалакка эврилганича
кўнглим тонг оттирар
оппоқ қор бўлиб.
Дафъатан англайсан
нимадир юз берди кеча
ва ёз энди қайтиб келмайди.
Қайғурма,
ёш тўкма.
Эшитяпсанми
капалак парвозини кўкдаги —
мен келдим.

* * *

Оёқ товушимни эшитдингми тунда,

демакки, япроқлар тўкилаяпти,
ортига қарашмас,
шамол олиб кетган уларни.

Тунда қара,
япроқлар ёритар атрофни,
овозсиз ётганча юракда
шивирлашар сенга мен ҳақда.

Ҳавонинг авзойи совуқлигида,
олам қорайганда ёмғирдан,
Сафар қилаяпти кўкка юрагим,
Жаннатни ёритган капалак –
япроқлар.

Эшитяпсанми, тунда оёқ товушимни...

* * *

Оёқ изларингни кўряпман сувда,

қушларнинг қалбида,
куз ҳақида бирон хабар йўқ.

Тирилади менинг
осмон ҳақидаги тушларим.

Дарё эргаштириб кетади сени,
зангори дарё –

тушлар ва эртанги кун сари
самодан узилар юлдуз парчаси.

Сокин дарё изидан
сени чакиради тун бўйи қушлар
болалар овозида.

Дарё ором олар
тушлар кўрар у.

* * *

Қуёшли ёмғирни чизиб бер менга

у четидан-бу четигача
 қуёш-ла лиммо-лим ёмғирни.
 Қўй, майли, у менга
 тикилсин ёқимли кўзлари билан,
 кўнглимиз ғам чекар нима ҳақдадир.
 Нотаниш ёмғирни
 сувратини солиб бер менга,
 майли, у югурсин деразаларда,
 жимисин сўнгра
 ва осмон тўкилар қўлмакка.
 Оппоқ булутларни оралаб
 Сен билан кетяпмиз болалик томон.

* * *

Пириллаб учаётган қорнинг

садоси чўкяпти
 кўзларингнинг тубига сенинг.
 Деразангни очиб қўйяпсан,
 дийдорлашмоқ учун қор билан,
 учган юлдузларнинг кули мисоли
 сен томонга парвоз қилар у.

Киприкларинг — капалакнинг майин қаноти.

Йўлга чиқди унутилган тушлар,
 кушларнинг кўз ёши
 юрагимни чақирар четга.
 Пичирлайди кимдир
 дилингдаги қорли тепалик ҳақда.

Киприкларинг — капалакнинг маъсум қаноти.

* * *

Кўряпсанми,

туннинг кўлкаси
юлдузларни осяпти кўкка.
Эшитяпсанми
кўксимдаги оғриқнинг майинлигини?
Тилло тусли тушлар
тўқияпти нафис гулчамбар.
Унутилади аста
ҳорғин кулранг кун.
Кўлларингни очгин,
енгилқанот қалб
олиб кетар сени ернинг четига.

* * *

Учмай тўхтаб қолди

япроқлар кўқда,
сассиз тўкилишди
кузги ҳўлликка.
Куздан тилло сўраб
ялинди улар.
Парвоздан тўхтади япроқлар,
тасаввури бўм-бўш
осмон ҳақдаги.
Мен эса учишга шайланган эдим,
Мана япроқларнинг орасидаман...

* * *

меники бўлмаган

шиша дарахтда
ўта нафис куйлагувчи сим
очиялпти шаҳар – соябон

намланмаган қоғоз кўприқдан
улгурсайдинг сен ҳам ўтишга
тил очаётган замбуруғлар
ҳадикни ҳис қилмас
мавҳум тилда чуғурлагувчи

шаффоф ковагидан
шиша дарахтнинг
топиб олдим шу битикларни
сенга бағишланган кечикиб

* * *

қуриётган баҳор дарахтин

кўкрак чўнтагимда
олиб юрдим мен
сен эса
булутлар зинапоясидан кўтарилганча
кешиб қолдинг сабо шаҳрига
ёнма-ён ўтдик сўз овулидан
бир пайтлар гул бўлганман
сен ҳам гул эдинг

* * *

шаҳар – чумчуқ

ҳаққалаб юрибди теграмда
 сўрайди нон ушоқларини
 гир атрофни кўрар бир рангда
 туш учун муҳими
 яратилаётган ўнги
 ичга қараб ўсар
 шамол илдизи
 ёз ойдин қадоқтош
 ипнинг овозига осилаётган
 минглаган ҳашарот кўз тикар
 дарёнинг сеҳрли деразасига
 олмага қуйилади сўзлар

* * *

шеър эсга олади

болалик кунларини
 ва излар сўз тугмаларини
 кўз ёш тўкаяпти
 майсадаги маъсум бўёқлар
 уйқусида қиёфаси алмашган
 аёл сингари

* * *

кузги уйлардан

дераза барглари тўкилаяпти
 акси тўхтаган сувда сўзларнинг
 қуш сўзлар ва булут сўзлар
 йўқликдан яралган йўқлик
 кетаяпти қиш йўлагидан
 юрагингнинг ичкарисини
 кашф этиш учун
 қўл тегмаган қалбингда
 шуъла сочар дон зарралари
 борлиқнинг эртаси қуёш

* * *

гуллар териб юрар

парвоздаги қуш
одамларнинг нигоҳларидан
олманинг товуши
сукунат сандиғига
солинган калит

намозшомги юракка
тўкиляпти ғам гулбарглари
кунботарнинг ёруғ мажозига
осмон саҳнасида
булутларнинг қирмиз имоси

* * *

сен билан дараксиз кетган сўзларни

дераза тоқчасида саралаётиб
артаётиб чангини
маҳқум қилиб ярқирамоққа
илаётиб уларни боққа
ғалати низомга бўйсундириб
кейин эса
кун бўйи кузатмоқ
ойна олдида
ёруғ жумлаларни
оппоқ қушчалар
элтганини ажиб кенгликка

* * *

маҳобатли ҳаво шарида

шаҳар учиб кетди
унинг болалиги кечган жойларда
ёлғиз қолдим мен
бетон гул каби
бошимдаги гулханни
ушламоқ учун

* * *

лайлак – тун фонуси

олис ўлкаларга учиб кетолмас
қиш тунининг узунлиги бўйлаб
сени кутаяпман юрагимда тушлар
орзуларинг чехраси эса
асирликда қолиб кетяпти
уфқ ёнбошида одамлар
шамол изтироби – сизиф
бундай бўлмас сира
асрлар сирғалар кафтимда
шаҳар аччиқтош

* * *

чиганок – кўланка

тирноғимда ором оляпти
томирларим бўйлаб
санқиб юрар тириклик
шамнинг ёзга сафарин пуфлаб
ёзьяпман куз ҳарфларини
товушки
тўкилмайди оппоқ қоғозга

* * *

КОИНОТ

эшигингни чертар тинимсиз
сен эса шунчаки сўзнинг
беҳушлиги оралаб
шошасан
тўкилмоқлик мумкин бу тахлит
ва охирламоқ
ўтмишни эслатиб
ботинингда нон ташир уовлар
аввалгидай
елиб борар алп атиргуллар
муҳаббатнинг оёқ изидан

* * *

ёз – умидларнинг тебранган акси

қорамтир лабидан ўпар ернинг вақт
 юрагимда шаҳар муҳрини
 тўлдиради япроқлар изи
 тил тушуна бошладим қайтадан
 олис юлдузлар тили – қушлар
 яна юрагимга қўнишган
 инсон – шам яқинлатар ўзига
 инсон – капалак
 бегона ўрмон
 сурилади менинг ҳаддимга
 беҳосдан кўргандай
 болалик парвозини мен билан бирга

* * *

булутларнинг ҳарир интизорлиги

узоқ суҳбат майсалар билан
 сукунат пойгаси тонгги шуълада
 уфқда ҳилпирайди
 юракнинг дийдор нуқталари

атрофингда гуллар
 ҳурлик табиати
 гўё ўрмон меваларидай
 қуёш билан лиммо-лим тўлган

кун тасвирга эврилди
 оқ елкан қаватида
 кўринмайдиган
 юз бермайдиган

2007 йил

ЙЎҚОТИЛГАН ҚУЁШ ЙЎЛАГИ

Узилган тун,
 кекса қуёш дунёга келар,
 офтоб – жудолик сўқмоқлари
 болалик бошмоғидай терилиб турар,
 эртаклардан ўйинчокдан юзин ўгирган,
 мавжуд таржимаи ҳол,
 мазасини тўйган
 тишлари билан.

Маънос сафидан мардикорларнинг,
 яна рицарларни излаяпман мен –
 ранги кетган пул майдонида
 ҳушдан кетган ифори тўйиб.

Ҳавода осиглик
 ланг очиқ эшикни четлаб ўт,
 Ўлим муқаррар дея оғиз жуфтлаб
 ёнлаб ўт ҳаётни...

менинг қуролбардорим эгарланган от,
 юрак ютдик,
 тўқилган гўзалликни асрамоқ учун,
 асра уни –
 тақдир барбод этган саҳна асарин
 белгисиз кунга довор
 асрагил,
 олис йиллардан буён
 ҳеч кимга кераксиз
 муҳаббат ҳаққи...
 ўтмишнинг мулки
 парчинланган мудроқ чойшабга
 ишқ-оловларда...

Узилган умидимнинг дўсти – Дон Кихот,
 биз шундай кўришмадик,
 мен дунёга жуда кеч келдим,

сен эса қайтадан келмадинг –
харфга, қаҳрамонга эврилиб.
Дон Кихот хаёлий кўприкларингда
вақт тегирмонин орқага қайтар,
бугун ёғоч от устида
ер айланишига термил бир лаҳза,
ижозат эт татимоқ – ҳис этмоққа
дарёнинг ортига оқаётганин...

бу, балки, шунчаки важ-карсон,
Қуёшга тикилган баҳона?

Бирпасга кечикдим,
одатий оқимига эврилди дарё,
кундалик қўнғироқ жаранги,
айланди муттасил...

Мавридга қармоқ ташла,
дарёнинг мавжлари сукут ичида,
қўлин солар ернинг бўйнига,
у ҳар доим садоқатли дўст...

Мендан

Сендан

шаҳардан

фарқли...

Шаҳар ўз афтини тўғриламоқда,
туннинг ёруғ чироқларидан
вақтнинг чамбарак кўзгусида
шарпага айланар у кейин,
вақт тўкилаётган юлдузларни яширар
кафтларида,

балки, бу оқшом
тақдирни ташиётиб
иккимизни бир муддат ўраса қисмат...

Вақтнинг қарашлари холислик,
ҳатто бефарқ...
вақт – менинг шаҳрим,
вақт – бу мен,
қачонки кўприкдан ўтаётганда.

ҚОЧИРИМ

Мен севги ҳақида
ёза оламан,
қор кўринмас борлиқ ато этганда,
ер ости йўллари
кўз қисиб қўяркан офтобга,
зулматга бош суқса қайтадан
хаёллар – тушлар,
кўз ёшлари билан кўрар оламни,
раққоса
зийнат қутчасидан олислаганда,
муҳаббат ҳақида ёза оламан.

Сайр этяпман тун билан бирга,
чироқларни шимдим йўлаклар бўйлаб,
Қуёш қаҳри қаттиқ
фонуслар – муз синиқлари,
афв эт,
бу мен –
Ваге Арсен, куракларингда ором оламан,
Бугланаман, ўгирилсанг агар,
қошимдаги кўчанинг чеккаларида,
арзон-гаров «Палермо» туфлиларида
урчиган бетонда тек қотиб,
чопилган дарахтга суюниб,
мен севги ҳақида ёза оламан.

Шамол кўшиқ – кўланкаларин хиргойи қилар,
узилар радио тўлқинлари
ҳар бир шивир – мусиқа,
қочирим,
изин-кетин
юз йиллик ёмғир,
вужудим жунжикар,
теграмга чизиклар тортиб,
пешонамдан теримни сидир
ўзинг билан ол,
Муҳаббат ҳақида ёза оламан.

ОЛИСЛАЁТГАН КЎЗГУ

Борлиғим – шаҳарни
майингина қоплаб олди қор,
унинг ҳайбатли
учқунлар пиллапоясидан кўтарилдим мен
азалий қор сукунатига.
Ҳаммомдаги кўзгуга –
жуда ҳам яқин
ҳаво учар гиламга дўнар,
кўл солар тақдирнинг сочига.

Катта кўчалардан тор кўчаларга,
тор кўчадан катта кўчага
ўтаётиб
шамол ҳуштагидан
сирпаниб кетдим,
шиша либосли биноларга
машъаллар эврилар,
парчаласанг ойнани агар,
дарпарда ўтирар
учаётган шамол қанотларига.

Ҳар бир учқун машъал, аслида,
тиллақўнғиз бўлиши керак,
илк олов тош санъаткори
ёки иситгувчи ёндиргич.
Ижодкор булоғи шарқирар –
Ибодат – бу сирли рақамлар,
ибодатхона – ўриндиқ,
бир кўзи илинган соқчи санайди,
кўздан олислаган қадамлар аксин,
қадамлар –
қадамлар – қадамлар – ...
Ҳаммаси – Олов –
сув париси, олхўри – сим чамбараги,
ҳатто ўрмон жимлиги.
Қуёш Тангри эди,
миттигина қуёш, яшринганди чўнтақларимда.

ЎРМОНДА

Ёмғир кулф тешигидан қарай олади?
 Кўчадан узилиб
 нонушта қилмай
 кийиб олмоқ
 йўлиққан илк пойабзалларни?
 Мен қайта кўмилдим
 ҳаётнинг
 ранг-баранг чиғаноғига,
 ишончларим метин тош каби
 топишга улгурдим
 олам ёриғин
 ва ахир
 тебраниб тургувчи
 битта эшик бор,
 унда келин-куёв рақсга тушар –
 либослари оқ ҳамда қора,
 бурчакда мудраган чанг босган суврат,
 ўхшаб кетар бари кўзгудагига,
 орқамга қарасам,
 кучоқ очар қайтадан
 тўлғонган базм.

ТИЛИМЛАНГАН ИНЕРЦИЯ

Кун бўйи
 Ўзимнинг ичимда эдим,
 ёмғир шивалади,
 недир йўқотдим
 жуда қимматли,
 узатилган қўлим йўлидан,
 ҳаёт жўнаб кетди автоуловда,
 сайрга чиқди мужмал сусткашлик.
 Сен ишонсанг агар,
 капалак
 бўриб юборади ҳаёт йўлингни?

2009 йил

АНОР

Ойна. Куёшли-қорли рангдаги тоғлар
Қўлингдаги бебош кулғуда
Қалқиб кетар тахир пўчоқлар

Ҳамда сачраган табассум
Хотирада пишиб етилар
Гуллаётган оғочлар

* * *

Кузги хушбўй куёш нурлари,

Вижирлайди мусича,
Куласан, тикилиб қалин жилдларга,
Йўллар кўрсатасан – фақат менгамас,
Товушлар пўстини тераман,
Жавоблар йўллайман – фақат сенгамас.

Деразам ортида
Нафис қайғуради тоғтерак.
Униққан болалик ўйинчоғидай
Кўз қисгим келади – хотирлайман мен
Сенинг нигоҳларинг сочилиб кетган –
Фақат менинг ҳузуримгамас,
Бошим гир айланар
Боши айлангандек баргларнинг
Қуш парвозидан.

...Кузнинг нордон жизғинаклари,
Нури чўккан кунботар ёққа
ёйилганди хризантемалар,
Иситар қўлларингни
Менга аталмаган
Рангли гулдаста.

ШОДЛИК

Тулпор қадамидек товланади тонг,
 Улгурмас – карнайин чалади чумчук,
 Қичқирмас – энг авж пардада куйлар хўрозлар,
 «Мунаввар тонг» кўшигин айтар кўшни кучуклар,
 Ҳарфлар-ла курашмас ёзув тахтаси,
 Гоҳ тонг қадами-ла, гоҳ сенинг исминг-ла кўз очдим,
 Майин товушларни лабдан сидирдим,
 Дарахтлар шитирида учрашгум
 Башоратинг-ла.

ПАРЧА

Кўчада пештахталардан бири
 тўлдирилган
 гуллаётган қуманжир билан.
 Кафтларимни
 тонгги шовқинлардан ҳайиққан
 қоратутга бўяб қўйишди.
 Тутқич бермас табассумларим
 ерга чизилган расмни томоша қилишга,
 эгилган боланинг
 кўзларига бориб тўқнашди
 мусаввирнинг лаби
 бўялганди олчалар билан.
 Уйда
 мени қаршилади настарин гули,
 хонаки капалаклар ҳады этгандинг
 кунларга қўл берган бўшлиқлар.

ҚАРШИЛАШ

Кўчалар ёқалаб, энига уйлар,
Йўловчилар, автоуловлар
Энига ва бўйига дарахтлар.
Тонгги лаҳзаларнинг меҳмониман мен
Боғлар сукутидан оқиб ўтаётган.

Эй, тингланг!
(қарсиллаб ёпилар
автобуснинг гапдон эшиги,
қулоқни батангга келтирар
Чумчуқлар базми...)

Эй!
(Кеча лаб босдим мен абадиятга –
Мен шаҳарда мавжуд эмасман).

Эй!
Қачондир сизга ҳам
Юрагин ҳовучлаб
чошиб чиққанми
охири йўқ май далалари?!
Тоғларни оралаб елади поезд –
На тўхтами, на манзили бор.
Ойнадан чиқариб бошимни
Қулочларим парвоз этмоқчи.
(Қулоғимга ёприлар кулгуннинг акси
югурар қувлашмачоқ ўйнаб
майнинг бахтли шод далалари...)

Сизга
пешвоз чиққанми ҳечам
қиқирлаган май далалари.
Шаҳарга келишдан бош тортган
мойчечак гулдастасин
тоғларнинг қўлига тутқазиб келдим.
Бошланган – туганган иш кунларида
алмашилиб чиқар турфа муҳлатлар.
Йўл ёқасидаги далалар –
Май гуллари, пичан ғарами
ўғринча қарайди
елаётган поездлар томон.

* * *

Менинг бобом

руҳоний ўтган
тонгги тўққиздан
шомги
олтига қадар
итоат этарди
ёлғиз Тангрига

олтидан кейин
нафасин ростларди
узун ва қисқа

Отам...
физик бўлган
тўққиздан олтига довур
Худо билан иши йўқ эди
соат олтидан сўнг
сирли ибодатлар
этарди
холам
Титилган
ишқ мактублари
тўхтамасиз титрарди
қўлида
у Тангри сўзини
илоҳий китобларни
ва яна мактубларни
бир хил ифодада
ўқирди
ва икковиға
ишонар эди
фақат... яримта
ҳакам
унинг сирли кулгуси
табассумим
(тирқишдан қарар)

онамнинг
 (унутай дебман)
 вақти бўлмаган
 ишонч
 ёки
 ишончсизликка
 у доим банд эди
 ҳеч нимадан
 недир
 яратиш билан
 онам
 сукутга чўмарди
 доим
 менга...
 мерос қолди
 бобомнинг кундузги
 отамнинг оқшомги
 холамнинг табассумли
 онам қўлларининг
 ибодатлари

* * *

билмадим

шунчалар бахтиёр
 кўз очдим бугун

 қаршимда
 илоҳий саралаш

 хоҳласам юраман
 хоҳласам парвоз этаман

 ер енгил
 осмондай

 не қилай ахир

 Қайга

қадам урай
бундай кезларда

Жимгина
сунасан
кўрсаткич бармоғинг
пешонадан
бурунга қадар

лабларим рангларида
ҳайқирдинг
кўрган каби
илк бор сўқирни

самодай бегардсан
эҳ ахир

Хуш қадамли
ҳар битта кунлар
олис жаннат гўшаларими

Фильмдаги
наслсиз
фаришта монанд
елкаларим силаб қўйганча
кўкка тикилдим

ер енгил
ҳаводай тоза

истасам
парвоз этаман...

* * *

мен бу куйни

шўх қаршилайман
қайсики туғилар
такрор гуноҳимнинг
оҳангларидан
кўхликкина
куйнинг оҳанги
оёқларим
(рақсга тушмаган)
рақс ҳақда хаёл сураман
орқамдан эргашар
яна кимлардир

мен бу куйни
яхши кўраман
қайсики
гуноҳларим такрор
оҳангининг
ҳосиласи у

* * *

ойнадан

қўлимни чиқарсам
оппоқ қорнинг
оқ ниналари
кафтларимга маъсум тўкилар
эскиган тожнинг
тикани улар

бугун сен туғилган кун

Биз қорган
хамирда
ловуллаб ёнади
икки мингта шам
сен эса йўқсан

ўз тожини
беғам майдалаб
селиб қўйган ернинг устига

мана менинг қўлим
ерга туш
эгил кафтларимга

мен сенга етаман
отам
сенинг нозик сиймонгни
оҳисталик билан
олиб
қўйган каби
арча устига

онамнинг бармоқлари
ёндирар
икки минг шамни

сўнги бор
қўлимни узатдим
ойнадан

хоҳласанг
кел
эгил кафтларимга

2009 йил

* * *

Ёлғизлик – бу заҳарли вирус,

Дориси йўқ, эмланмаси йўқ,
Жуда ўткир манфий устара,
Гир атрофи аянчли бўшлиқ.

Ёлғизлик – бу дидли маҳорат,

Олис суҳбат кўзгуга қараб.
Ё ўтмишнинг аччиқ шивири,
Ё бўш жавон боради нураб...

Ойдинлашар олам бир кўни,
Чарчоқли ғам ҳеч зорланмаган.

Ёлғизлик – бу жазирама ёз,
Муҳаббат-ла заҳарланмаган.

Осойишта кечади оқшом!

Осуда у лек чирт-чирт узик.
Сўғуриб оғриқли ҳисларим,
Даволайди қалбни ёлғизлик.

ҚИШ ҚОШИДА

Жон берган баргларда қишнинг игнаси,
Шимол елпиғичи шимол даракчи.
Ҳақиқатнинг ҳалокатли кўнида сен-ла
Сукут майдонида базм этсак-чи,
Туш ва масофанинг илоҳий они
Бўш манзилгоҳига кетамиз қишнинг.
Борлиқдаги совуқ интизорликлар
Жунжиккан гулларнинг қорда ётиши.

РАНГИН ВЕРЛИБР

Тонгда етишмасди ҳаво рангли тош.
 Намозшомда тақчил кўк-мовий туслар.
 Настарин рангини кундуз топмадим.
 Тунда тўлиб тошар қирмизи олов.
 Фақат ўхшаши йўқ дақиқаларда
 Ҳар бир ранг
 юракка яраша эди.
 Шунда
 уваланган мувозанатга
 оппоқ сукунат лаҳзалари
 дея ном қўйдик.
 Ён-верида турар эди Бахт.
 тобин олди юракка
 оёқ учида кириб боришнинг...

ҲАЁТ ҚОИДАЛАРИДАН

Кимсасизликни асранг,
 Оёқ қўйманг вақтнинг темир изидан.
 Абодият-ла дийдорлашсин сиз кечган ҳаёт.
 Ўтмиш қаъридан келаётиб
 Қолдира кўрманг қақир-қуқирлар.
 Китобларингизни изтироб сафига жойланг.
 Назокатни авайланг – асқотади кексайган маҳал.
 Унутманг, фақат,
 исталган куни
 сафар қилиш мумкин
 ўзга маконга.

* * *

Тилсизлигим – дарахтлар гунглиги, куйган чакмоқлар...

Борлигим ранг-баранг шишадаги сувратлар каби...
 Толиқди мендаги дунё йўлин йўқотган зиёратчидай...
 Жон берар сўзларим дунёга келмай...
 Шамолга сўз қотдим – қўлларимнинг бўшанг имоси,
 Одамларга тўхфа мени тингламаслик имкони...

* * *

оёқларим судрар қаҳвахонага...

шилликқуртдай толиқдим олис йўллардан...
бўшлиқнинг овози сокин жаранглар,
изларни супурар кун, ана кеч яқин...
хонамга эмаклаб киради қайғу,
ўтиргим келади чироқни ёқмай...
охирсиз туюлар бу йилги февраль...
эримайди муз бойлаган шаробли шиша...
ўтмиш қайтиб келмас,
эрта ҳам...
соат олтигача ҳаёт зим-зиё
қишки дарахт мисол...

* * *

Ёмғирлар-ла дўстлашди февраль,

Ўрганияпман томчилар тилин.
Эзгин шаҳар тўлдириб борар
Қароргоҳин йўқ одамларнинг.
Маъноларнинг узук иллари,
Яшасайдим то кўкламгача!
Тушлар харид қилиш ҳақдаги
Эълонларни ювади жала.
Артар увок сўзлар бўёгин,
Очилади кулранг оҳанглар.
Унда митти ҳақиқат мўл-кўл,
Йўқдир фақат бизларнинг ранглар.
Қўлларини узатар февраль
Майинлик ахтарган гадодай.
Ҳаёт яна ўз чизигида,
Қололмасман унинг четида.

* * *

Тўқиб олдим мунгли қувончни,
 Сукунатга дўнар кунларим.
 Энгашади ойнада умид
 Қузатганча хазонлар рақсин.

Ўзимга мен ҳаёт тўқидим,
 Очиқ якун қолмади унда.
 Томошага шайланиб ёмғир
 Муз ойнани чертади тунда.

Балки, йиғлар, жилмаяр, балки..
 Бўшлиқ томон учади бирдай.
 Самоларга қўл силкир шоир
 Жон бераётган ёзги ёмғирдай.

ТОНГИ БАДИҲА

Бўғланади саҳарги қаҳвам –
 Фол боқаман қуйқаларида.
 Чертар дилни ёнлама аксинг,
 Илғамаслик мумкин эмас-да.
 Умидларни юваверар вақт,
 Қора дурда – шарқираган сув.
 Тимсолинг бу менда муқаррар,
 Ёнлама аксинг мен билан мангу.

* * *

Олам қорли. Чети, охири
 Қўринмайди, ялт-юлт оқликлар.
 Очиқ китобида дунёнинг
 Брайл ҳарфи каби турибди уйлар.

* * *

Ҳаёт – мазмун базми,

чопаётган ниқоблар бир-бири билан
қувлаб кетаётган бўшлиқни
Ҳамда вақтнинг бурама сими.
Бу оқшом
совуқ ҳамда ёт ниқоблардан
ҳар ким излар ўз қиёфасин.
Ҳайиқишар байрам охирлашидан,
мусиқанинг узилишидан
бўғиқ сукут қаърига
йўл олган
кўз юмаётган қайиқ
мисоли...

* * *

Саҳаргача кезсанг кузакки

Тиниққан дил кенгликлариди,
Шаҳар тўлиб боради, ана,
Тонги сукут умидларимга.
Нафисгина кафтингдан тутиб
Дўнгликларга элтсам сени.
Ҳаёт, вужуд чизиқларида
Олам кўркин англасам эди.
Учаётган кўзинг кўлида,
Ғарқ бўламан оғушларингга.
Тиззалар ўмрову қўлларинг
Абадият – баландликларда.

* * *

Бўм-бўш уйда шиддатли жаранг

Кетдинг,
чатнади вақтнинг бурама сими
тартибланган рад жавобгача.

* * *

«Ҳаммаси ўтади» – пичирладим мен,
Азоб қопалакларин қўйиб юбордим
тош боғига.

* * *

Тунда ташриф буюр, биласан

Гул жимлиги сочган чиройни.
Чангли йўллар кесишувида
Бўм-бўш ғурур, чайқалган ойни.
Келгин, англай оларсан, балки,
Йўлим тушмас қорли изларга.
Жимжитликлар яна жамланар,
Тилим боғлиқ, етмас сўзларга.
Ташрифинг-ла қувонтир, тунда,
Сукутингдан таралган сасдай.
Йиллар ўтган сари тиниққан
Олисдаги овозларингдай.

* * *

Менинг шеърятим – сукунат.

Озодлигим – хомаки ёзув.
Деразамни чертар изтироб,
Бўғизимда қичқириқ – сулув.
Ортимдадир алдамчи ҳислар
Сўзлар, кирмас маъно тилига.
Ёруғлик ва соя сувратин
Чизаяпман Сомон йўлига.

2009 йил

Қумларни безарди суврат билан у,

Елларга бахш этиб шаффоф бир олам.
Тилга кирган соғинч одимларида
Сирли балиқ ёдин ортқилар тинкам.

Асрларга ўтиш йўлин илғарди,
Само бўлишмасди тонг ва оқшомни.
Елкасига олиб мағриб шамолин,
Булутларга сафар қилди бир куни.

Сувратлар порлайди қум денгизида,
Каттаю кичикни сим-сим чақириб.
Саболар эртаги узундан-узун,
Сирли дунёларнинг кўнглин тўлдириб.

Ўша мусаввира сўқир ва ғариб...
Денгиз шивирларин тинглаб ёдида.
Оққушлар ахтарар нигоҳи ёниб,
Ғамнинг излари бор қанотларида.

Ёмғирлар мавсуми. Ярқирар шағал.

Соябонлар йўл бўйлаб сузар.
Кўзин юмиб олган қатновлар
Кун сувратин ичидан сизар.
Ёмғир фасли. Уловлар чақнар.
Мудрайди чол қаҳвахонада.
Айқаш-уйқаш бари-бариси,
Китобларнинг номи панада.
Бўлакчадир: сўзлар, имолар,
Табассумлар, ҳазил, исмлар.
Ёмғир фасли. Жавзо кечаси
Ойна олдда чол кўзин юмар.
Жаранглаган соялар турфа.
Бўёқлар ва тиллар ўзгадир...
Бўш қаҳвахонада тин олар
Умид, вақт ҳамда мўйсафид.

ШЕЪРИЯТ ТАНҚИДИ

Шубҳасиз мен нафратланаман
Буржуйлар
Жосуслар
Рухонийлар салтанатидан
Бироқ мен юз хисса кўп жирканаман
Ўша салтанатни мендек ёниқиб
Ёмон кўролмаган ҳар бир одамдан

Ушбу шеъриятнинг танқидин
Менинг шеърларимдан баланд тутмаган
Олчоклар юзига туфлагум албат

ҚАЛАМ ЯСАЙДИГАН ГҶШАДА

Сават тўқимокда
Сўнги қалдирғоч
Ушлаб қолмоқ учун кун ёғдусини
Қаровсиз кўз қирғоқларини
Чизаётир сўнги қалдирғоч

Қишлоқ кафтидаги
Майин уйқунинг
Зарраларин чўққилар оқшом
Тунингиз хуш бўлсин фикрлар

Сукунатни ўзимга қаратиб
Жимгина чорлайман жимгина

ТАБАССУМ ИЛА

Оламда зим-зиё туннинг ўзи йўқ
Инон айтар сўзимга ахир
Тим қоронғу қайғунинг ҳатто
Ёғду чун ланг очиқ деразаси бор
Бедор турган орзу бор ҳали
Рўёби муқаррар истак бор
Очлик бор оч юрган очлик
Оламда енгилмас юрак бор
Умидвор қўлларнинг сиқишувлари
Илтифотли нигоҳ бор
Ҳаёт бор
Бошқалар билан бўлишишни истаган ҳаёт

БЎЛМАҒУР ХОТИРА

Оқшомги қушларнинг
Тўзғоқ чўққиси
Кўчаларнинг муюлишида
Аёл нафасининг сояси
Шукӯҳли зимистон
Қучишаётган исёнлар билан

Ёмғир-ла тўла ҳовучлар
Фонуслар ва баргллар остида
Лиммо-лим сукунат
Тўкилади вақт ушоқлари
Вақт энди шоҳ эмас
Йўлақларнинг сургунларида
Ўтирар
Ёд олинган кулгулар билан
униб-ўсмас диққинафасда
оқмас сув ва хаёлсиз оқшом
чорадир асли
Ёлғизлик янглишар
Саҳроларни унутаётган
Оловланган биргина ўпич

ШЕЪРЛАР

Дарахтда осиглиқ юрак – шохчалардан уни узиб ол,
 Табассум ва кулгу, ҳадсиз назокат.
 Голибсан, софсан сен, тиниқ қиёфа,
 Дарахтлар-ла кўкка қўл узатасан.
 Олисларда йиғлар бир гўзал,
 Курашларга чоғланган қалби.
 Дўнгликларда ястанган, ожиз
 Осмон қайси рангда – шаффоф ё ғамгин?
 Имконсиздир кўнгил қўймаслик.
 Кўнлар, узун бармоқлар, қувлаб ўтар бири-бирини,
 Гуллар сўлиб борар, ёмғирларда ҳижрон бошоғи.
 Кутади неларни қайноққон вужуди июлнинг?
 Жонсиз нигоҳларда тикила туриб
 Қайд этмоқ чиннининг қумуш товушин.
 Мусиқа, яланғоч қўллар оқлиги.
 Шабада туташар қуш қанотига –
 самонинг ранг-қути ўчар тобора.

ОЗОД ҚЎЛЛАР**БУ ЎША**

Яшил юлдузлар аро майсазор ўша
 Бу ўша қаровсиз кулбада
 Бу ўша зим-зиё кўчалар бўйлаб
 Бу ўша тагкурси чўққиларида
 Бу ўша кўкрак қафасида тиз чўкаётган
 Бу ўша қорда кетиб боргувчи

 Ҳар доим деворнинг ортида
 Чоҳларнинг қаър-қаърига чўккан

СИНГАН ОЙНА

Деразанинг ортида шамол
 Осмон этаклари тиккама-тикка
 Эпсиз қўлларингга суйкалар само

АТИРГУЛ – ДАРАХТ

Қўли очиқ йил ерни тўлдириб ташлар
 Далаларга осмон тикилар
 Майсалар бетида юмалоқ
 Ёлқинланар гулли шудринглар

ТАНҲОЛИҚДА

Мен сенсиз
 Танҳоликда яшашим мумкин

Буни ким айтмоқда
 Бу ким – сенсиз нафас олгувчи
 Ёлғизлик узра

Яшаш – ҳамма билан юзма-юз туриб
 Яшаш – ўзинг билан басма-бас келиб

Одимлар оқшом

Шаффоф ахир ҳар битта қирра
 Сим-сим эриб кетяпман бу тун

ЭРК

Озодлик салгина айланар бошинг
 ҳамда яланг оёқлар
 Озодлик яхшисан, майинсан жуда
 Кўкламдан ҳам тиниқ тортинчоқликда

14 МАРТ ҲАВОСИ

Афсунгар қуш болалар дўсти
Кутяпман баҳорнинг қадамларини

Ер совуққон ҳам ихтиёрсиз
Ярим кун ниналари
Тикар тонгнинг ипак этагин

Кўз ташладим ёшлик чоғимга
Ўткинчи рангларни ёқалаб
Илк гул очган оғочни кўрдим

Яшилликлар қирғоқларида
Сув оламга эврилган эди

ЛАҲЗА КЎЗГУСИ

У шуъла сочади,
У кўрсатар буюмларнинг тақир моҳиятини,
У бош тортар лаҳзалик чалғимоқ имконларидан,
У – тош,
Ҳаракат ва нигоҳларнинг
Метин тоши у,
Унинг совуқ ярқирашида
титраб эриб борар ниқоблар,
Сиқиб тутилганча
Қўл тутишмас ўзга қўл билан,
Олислайди масъуд лаҳзалар,
Қушлар сингиб кетар шамолга,
Осмон мовий бутун борлиғи ила,
Қисматида мовийдир инсон.

СЕН ИЛА

Финжон каби кўчаларнинг кўлидан тутдим
 Тўлдирилган ҳайбатли ёғдулар ила
 Лиммо-лим бахтиёр сўزلардан
 Ва бесабаб жилмайиш ила
 Ернинг энг авж мевалари-ла

Ўйинчоқ одамлар ўтар кўчадан
 Қушлар тўлдиради мовий бўшлиқни
 Қизча озғин оқаринқираган
 Юзида мунг абадияти

Эртаклардан чиқиб келган қиз
 Бўй кўрсатиб орзуларимга
 Ён босади истакларимда
 Болаликнинг олис товланишлари
 Тилла кўчаларга ёнбошлар аста

ЯСМИН ТЕРУВЧИ

1
 Унинг нурли қалби товланган тупда
 Тиниқ тонгнинг кўк тишчалари
 Ҳам яшил кемалар булоғи

2
 Кўз илғамас унинг кўллари
 Ясмин шохларига эгилди
 Офтобнинг тиллари остида
 Ярим яланғоч
 Муз жаранглар шахдам қадамда

3
 У чизган тасвирнинг соҳилларида
 Ер ва осмон мункиллаб борар

4
 Юлдузларни жамлаяпти у
 Ҳеч қачон бўлмаган ерларда
 Чарчоқ билмай толиқмай
 Юлдузларни терар у

РАНГЛАРНИ ТЕБРАТАЁТГАН ШОИРА

Кўлингиздаги тўплам – «Мажнунсоат»дан жой олган шеърлар янгиланиб бораётган адабиётимизнинг тотли мевасидир. Буни ҳеч тортинмай, хижолат ҳам бўлмай, энг муҳими, иккиланмай айтиш мумкин ва жоиз. Аммо ҳар қандай янги ҳодисанинг қулоғидан тортиб обориб модернизм деб аталган мамлакатнинг фуқароси айлашга уриниш шарт эмас. Модернизм деганимиз жудаям шартли бир тушунча. Яъни санъату адабиётдаги ҳар қандай янгиликни инсониятнинг бадиий тафаккур йўлидаги битта босқичга – модернизмга олиб бориб тиркашни энг мақбул йўл деб бўлмайди. Янгиланиш – азал-абад ҳаёт-воқелик тақозоси. Воқелик ҳар доим янгиланиб боради. «Изм»лар шу воқеликнинг кайфияти аслида. «Модернизм» деган кайфиятни ҳам шу ҳаёт туғиб вояга етказган. У яна шунга ўхшаш неча-неча «изм»ларни дунёга келтирмайди дейсиз.

Бугун Гўзал Бегимнинг исми янгиланиб улгурган назмий карвонимизнинг энг олдинги сафида туради десам, муболаға бўлмайди. (Аксини айтсам, ҳақиқатга футур етади). Чунки унинг шеъриятида образлар тизимидан тортиб ифода тарзию энг майда назмий деталгача янги, оҳорли. Ишонмайсизми? Эшитинг: «Ҳаммаёғим юрак», – дейди шоира бир шеърида. Менинг бугун етиб келган ожизона даражам ва кайфиятимга кўра шу иккита сўз – шеър. Бўлгандаям, жудаям теран маънога эга, катта шеър! Хўш, нега? Бунинг учун, аввало, адабиётдаги юрак деган алоҳида образ моҳиятни ёдга олмоқ керак. Унга кўра юрак – одам ва олам дардини ҳис билан туйғувчи, англаувчи инсон аъзоси. Буни эсладик. Энди «ҳаммаёғим юрак» деган мисрага қайтайлик, бу сўзлар нимани англатади? Одам ва олам дардини биттагина аъзо билан эмас, балки бутун борлигим билан туяман деган маънони эмасми? Тасаввурга эрк берамиз: бошдан-оёғи юракка дўнган киши жуда-жуда ҳасос зот бўлиб, у ўзининг ҳар бир ҳужайраси билан атроф-жавонига қалб қулоғини солади, уни эшитади, дардини олади. Демак, у бошқа одамларга кўра юз чандон, минг чандон кўпроқ ҳис қилади. Чунки қолган-

лар фақат юраги билан (у ҳам борда бор...) хис этса, шоира бугун вужуди юракка айланиб, оламга кўнгил кўзини қаратади.

Адабиётда чинакам истеъдод эгаси барибир ўз оригинал сўзини айтади, айтиши керак. Нафақат адабиётда, ҳамма соҳада ҳол шундай. Эсланг, тасаввуф оламига кираётган солик, аввало, бу йўлнинг сирру синоатларини ўзигача ўтганлар ҳаёти ва амалларидан ўқиб ўрганади. Маълум бир даражотга боргандан сўнг эса ўқиб ўрганган китобларини дарёга улоқтиради, яъни унутади. Шундан кейингина у ўз сўзини айтишга чоғланади... Кузатишларимча, Гўзал ҳам шеърятда юрилган йўллардан юрмайди, балки ўз йўлини, ўз оҳангини, ўз услубини топишга бел боғлайди. Албатта, Гўзал Бегим ўзи танлаган назм майдонида танҳо эмас. Илгарироқда поэзиямизда чақмоқдек чақнаган 70-йиллар авлодининг ғоят муваффақиятли чиққан тажрибалари бор. Лекин, барибир, Гўзал шеърларининг ички мазмунини илғай билган омадли ўқувчи англайдими, у ўз қиёфасига эга забардаст ижодкордир!

«Алла» шеърида шоира «рангларни тебратяпман, алла болам, алла» деб ёзади. Эътибор берсангиз, Гўзалнинг бутун шеърий ижодига ишора мисрадир бу. Чунки у юракка айланган бутун борлиги билан чинданам рангларни тебратиб келаётган, уларнинг ақл олмас, идрок ўтмас мазмунини илғашга уринаётган ҳассос шоира. Ҳатто фарзандига алла айтаркан, бошқа миллионлаб оналар каби: «Катта бўлгин кўзим, алла. Менинг ширин сўзим, алла», – демайди, балки: «Тонгни тебратяпман, алла. Қуёшни тебратяпман, алла. Юракни тебратяпман, алла», – дейди ва шу тарзда биз юқорида айтганимиз ўз қиёфасини ҳатто алласи билан ҳам яратади, ярата олади.

Гўзал Бегимнинг бутун ижоди мазмун-моҳиятини ўнлаб шеърларидан қидиришнинг ҳожати йўқ. Чунки биз излаган, бизнинг шеърпараст руҳимиз эҳтиёж сезган мазмун унинг биргина мисрасида жимирлаб оқиб ётиши мумкин. «Яна азонгача кўзим оқ япроқ», – деб ёзади у бир шеърида. Гўзалгача кўзни дарёга, денгизга, уммонга, осмонга, юлдузга ҳўл ўхшатишган. Лекин

оқ япроққа менгзаш... Бу Гўзалга, унинг оламини бадий-ий-эстетик қабул қилиш усулига хос. Нима учун япроқ яшил эмас, оқ? Бу кўз оқига ишора. Демак, у очик, бедор. Азоннинг, тонгнинг оқ ранга монандлигида ҳам бир бошқа маъно яширин... Шу маънода Гўзалнинг ҳар бир муваффақиятли чиққан мисраси бир яхши шеърдир! Шунга кўра, Гўзал Бегимни мисрама-мисра ўқимок керак, шеърма-шеър эмас дегим келади менинг. Уни шеърма-шеър ўқиб ўқмоққа, завқланмоққа бел боғлаган ўқувчи «тикилиб қолиши» мумкин (Албатта, у «ҳазм қилиш» қудратига эга бўлса).

Гўзал Бегим биз кўниккан бир бутун воқеликни парчалаб ташлайди ва ўша парчалардан бошқа, янги воқелик барпо этади. Шунда биз кўзларимизни катта-катта очиб қараймиз: бир қарасанг – таниш, бир қарасанг – нотаниш. Шу ерда ўқувчилар иккига айрилиб кетади: уни таниганлар ва танимаганлар. Демак, мана шу тарзда янги адабиёт айрим ўқувчини ўзига ошно этиб, бошқаларини эса ўзидан ўзоқлаштириб боради. Ҳамма гап шундаки, янги адабиётдан юз ўгириб кетаётганлар тафаккурида ялқовлик бор бўлиб, улар, одатда, онгу қалбларини зўриқтиришни хоҳлашмайди. Улар тап-тайёр маҳсулга кўникишган, шуни кутишади. Янгиланиб бораётган адабиёт эса бадий асарга гизланган маънонинг юзага чиқиши учун керак бўлса, ўқувчининг муаллиф қадар иштирок этишини талаб қилади. Зеро, бу адабиёт билагигина эмас, аввало, ақли, тафаккури, хаёлот ва юраги бақувват ўқувчилар учун айни муддаодир.

Ҳа, албатта, Гўзал Бегим шеърларининг маромини топмаган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, шоира ўз бадий уммониغا шунчалар теран шўнғиб кетадики, ортидан изма-из келаётган ўқувчи унга етолмай, йўлини йўқотади. Натижада шоиранинг ўзидан бошқаларга анчагина мавҳум бўлган сатрлари қоғоз юзига сизиб чиқади. Эҳтимол, қачонлардир бундай тизмалар ҳам осонгина тушунилиб, таҳлил этилар, лекин бугун... Бугун шоира ўз замондошлари томонидан англаниб, ҳис қилинишни, уларнинг юракларига кириб боришни истаса, шеърларида уларни ўз ортидан қадам-бақадам

етиб келишини таъминлайдиган белгиларни ўрни-ўрнига қўйиб кетиши керак, менимча. Уларнинг орасини узайтириб юбормасин, шунда абстракциядан қочиларди, қисқартириб ҳам юбормасин, «чайнаб» бериш иллатидан халос бўлади (зотан, кейингиси Гўзал шеърларида кўзга ташланмайди). Агар тавсияларимиз ортиқча ва ўринсиз деб топилса, белгиларни ўзи истаган жойга қўйиб кетаверсин-у, ўқувчилар томонидан қабул қилиниш саодатини фурсат деб аталган тақдир ҳукмига ҳавола этаверсин.

Гўзал Бегим таржимасида эътиборингизга ҳавола этилган Ўзбекистон, Арманистон, Франция, Россия шоирларининг шеърлари қайсидир бир жиҳатларига кўра таржимон руҳиятига яқин. Ўзи шундоқ ҳам бўлмоғи керак-да, ахир! Ижодкор ҳеч қачон дуч келган ижодкор асарининг таржимасига тутинмаслиги зарур. Заргарлик қунти билан сайламоғи лозим. Таржимон ва таржима этилувчи қисматларида ўхшашлик топилиб, бир-бирига уйғун ижтимоий, сиёсий, тарихий ва психологик воқеалар силсиласидан ўтган эсалар-ку, нур устига аъло нур. Таржима ўз она тилинда битилгандек жаранглайди, ўзингникига, ўз миллатингникига айланади. Худди Чўлпонинг Пушкиндан, Усмон Носирнинг Лермонтовдан қилган таржималари янглиғ. Гўзал Бегим ўзбекчалаштирган шоирлар ижодининг жуда кўп қирралари таржимоннинг ўз ижодига монанд экани кишини қувонтиради. Шу боисдан ҳам таржималар Гўзал Бегим шеърятининг давомидек мутолаа қилинади, шундай тафаккурга чорлайди.

Хуллас, қўлингиздаги ушбу мўъжаз тўплам ҳассос қалбли, нозик дидли шеърхонларимиз учун ажойиб тухфа бўлишига асло шубҳа йўқ.

**Улуғбек ҲАМДАМ,
шоир, адабиётшунос олим**

МУНДАРИЖА

Шаффоф баландликлар	3
---------------------------	---

Шеърлар

Патқалам.....	6
Сўзли.....	7
«Намчил шовуллайди қирмизи мавжлар...».....	9
Алла.....	10
Оралиқ.....	11
«Дарахт – образ...».....	12
«Бошимга тушаётган қора кунларда...».....	12
«Юрагимнинг оқарган сочи...».....	12
«Атиргул исмига исмимни кўшиб...».....	12
«Сенсиз қолган кунларга қараб...».....	13
«Томчи ҳақидаги тасаввурларим...».....	13
«Хорижда...».....	13
Кул ҳақида сентиментал шеър.....	14
«Яна озонгача кўзим оқ япроқ...».....	15
«Кўзларим шамолга эргашган эди...».....	16
«Мен шеър ўқияпман...».....	16
«Нигоҳимни гуллар силаган...».....	17
«Кўзим бўйлаб кетаяпти куз...».....	17
«Мунгли ўйинчоқлар...».....	18
Эй суйдиргувчи.....	19
Ўтмаётган кунларга илова.....	20
«Ой тушиб келяпти...».....	21
«Сен йўқсан...».....	21
«Хаёллари сўкилган аёл...».....	22
«Гулга эврилдим...».....	22
«Юрагимнинг тепалигида...».....	23
«Мана гул...».....	23
«Азобларинг қуявер...».....	24
«Ўйларига оқ тушган...».....	24

«Учиб кетди осмон қўлимдан...».....	24
«Кўзларим ортига яширинган ҳаво...».....	25
«Ҳеч ким йўқ...».....	25
Тун кўрфази.....	26
Пичоқчининг қизи.....	28
«Юрагим хорижга кетиб боряпти...».....	29
«Кеча бахт қаршисида...».....	29
«Вақт...».....	30
«Мен...».....	31
«Овозинг – Бахт...».....	31
«Кел...».....	31
«Тушларимга киради гуллар...».....	32
«Ҳаёт ҳақидаги ақидаларни жамлаган китоб...».....	32
«Кўзим чўкиб борар...».....	32
«Бармоқларим...».....	33
«Тушимда...».....	33
«Гул чўққилар ухлар осмонда...».....	33
Sms – мактуб.....	34
«Изтироб уюмин...».....	34
«Шабаданинг қўллари очик...».....	35
«юрагимнинг ярми қип-қизил жимлик...».....	35
«қоп-қора япроқлар...».....	36
«Ҳато қилдим...».....	36
«Мен қор оралаб кетяпман...».....	38
«Менинг қўлларим оппоқ...».....	39
«ўриндиқ...».....	39
«кўзларим...».....	40
«жавобсизлик...».....	40
«онам пайпоқ тўқир...».....	41
«Юрагимни кўтаргувчи юрак...».....	41
«кулгуларим...».....	42
«томирларим...».....	43
«бахт...».....	43
«мен йўл изляпман...».....	44
«қўлларингиз...».....	44
«ҳеч ненинг таъми йўқ...».....	44

«кўзларимни қўйиб беринг...».....	45
«Кўзларимдан ўтяпти мана...»	45
Куммактублар.....	46
«ўлчамайман оқ кун кўк кунни...».....	48
«оёқ ости бўлган бахт қаршисида...».....	49
«Саболар дарахтга куй осиб кетар...».....	49
«туғилдим...».....	50
«гуллар тушларимда қизиққон ҳужра...».....	50
«ийғлаётган...».....	51
«ҳислар уюм-уюм...».....	51
Йўл.....	52
«йўллар...».....	52
«бахт беролмайман сизга...».....	53
«Булутли кунларни...».....	53
«Бармоқларим қўшиқ айтар...».....	54
«мен лабимга босган сўл тасвир...».....	54
«мен...».....	55
«Ўзбекча ўсяпти менинг сочларим...».....	56
Йўқдир.....	57
Бордир.....	57
Ханойда тунги тун.....	58
Қувғин.....	59
Мажнунсоат.....	60
«Кўйлагим осилиб турибди дорда...».....	61
«Мен вақтга ўхшайман...».....	62
«Қайғуга кўз сўзган қариқизман мен...».....	63
«Топиб бер деб сенга ялиндим...».....	64

Марварид шивирлар

«Тун кўйлаклари шовуллаб кириб келди...».....	66
«Биламан, юрагим Ойхонам менинг...».....	66
«Туннинг қоп-қора товуши...».....	66
«Энг ширин сўзларни сен учун айтдим...».....	66
«Шамолнинг узун қўллари...».....	67

«Эй хайрат дарахтига суюнган одам...».....	67
«...Сочларинг аланга...».....	67
«Мен сочларимни шивирладим сенга...».....	68
«Кўзимга тик боқиб яшайман мен...».....	68
«Хилол ярақлайди ханжардай...».....	68
«Хижрон – тутантирик...».....	69
«Йўлда совуқ ўтди жонимдан...».....	69
«Сен йўқсан менинг шўр пешонамда...».....	69
«Сени қучмоққа қўлим етмайди...».....	70
«Бағрида ой қиқирлаётган аёл...».....	70

Мансур шеърлар

«Сен ҳаддан ташқари золимсан...».....	72
«Тамаки тутунига термилиб ўтирдим бугун...».....	72
«Ҳаёт менинг юрагимда...».....	73
«Замҳарир ҳақида илиқроқ фикр...».....	73
«Сен мени ёмғирга ўхшатардинг мудом...».....	73
«Кўзларимда тўй қилди бир тўп оломон...».....	74
«Нега кўз олайтириб қарайсиз...».....	74
«Мусаввирнинг «Бола кўтарган аёл».....	75
«Бахт астойдил қутсангина келади...».....	75
Булутлар кесишувида.....	76

Таржималар

Алёна Ельцова. «Шимолда куз...».....	82
«Сездингми...»	82
Ўғлимга	83
«Эртага оқшомда...»	83
«Оёқ товушимни эшитдингми тунда...».....	84
«Оёқ изларингни кўряпман сувда...».....	84
«Қуёшли ёмғирни чизиб бер менга...».....	85
«Пириллаб ўчаётган қорнинг...».....	85

«Кўряпсанми...»	86
«Учмай тўхтаб қолди...»	86
Сергей Лешаков. «меники бўлмаган...».....	87
«қуриётган баҳор дарахтин...».....	87
«шаҳар – чумчуқ...»	88
«шеър эсга олади...»	88
«кузги уйлардан...»	89
«гуллар териб юрар...»	89
«сен билан дараксиз кетган сўзларни...».....	89
«маҳобатли ҳаво шарида...».....	89
«лайлак – тун фонуси...»	90
«чиғаноқ – кўланка...»	90
«коинот...»	90
«ёз – умидларнинг тебранган акси...».....	91
«булутларнинг ҳарир интизорлиги...».....	91
Ваге Арсен. Йўқотилган қуёш йўлаги.....	92
Қочирим.....	94
Олислаётган кўзгу.....	95
Ўрмонда.....	96
Тилимланган инерция.....	96
Каринэ Халатова. Анор.....	97
«Кузги хушбўй қуёш нурлари...».....	97
Шодлик.....	98
Парча.....	98
Қаршилаш.....	99
Сона Ван. «Менинг бобом...».....	100
«билмадим...».....	101
«мен бу кўйни...».....	103
«ойнадан...».....	103
Баҳ Аҳмедов. «Ёлғизлик – бу заҳарли вирус...».....	105
Қиш қошида.....	105

Рангин верлибр.....	106
Ҳаёт қоидаларидан.....	106
«Тилсизлигим – дарахтлар гунглиги...».....	106
«оёқларим судрар қаҳвахонага...».....	107
«Ёмғирлар-ла дўстлашди февраль...».....	107
«Тўқиб олдим мунгли қувончни...».....	108
Тонгги бадиҳа.....	108
«Олам қорли. Чети, охири...».....	108
«Ҳаёт – мазмун базми...».....	109
«Саҳаргача кезсанг кузакки...».....	109
«Бўм-бўш уйда шиддатли жаранг...».....	109
«Ҳаммаси ўтади» – пичирладим мен...».....	110
«Тунда ташриф буюр, биласан...».....	110
«Менинг шеъриятим – сукунат...».....	110
«Қумларни безарди суврат билан у...».....	111
«Ёмғирлар мавсуми. Ярқирар шағал...».....	111

Пол Элюар. Шеърият танқиди.....	112
Қалам ясайдиган гўшада.....	112
Табассум ила.....	113
Бўлмағур хотира.....	113
Шеърлар.....	114
Озод қўллар.....	114
Бу ўша.....	114
Синган ойна.....	115
Атиргул – дарахт.....	115
Танҳоликда.....	115
Эрк.....	115
14 март ҳавоси.....	116
Лаҳза кўзгуси.....	116
Сен ила.....	117
Ясмин терувчи.....	117
<i>Ранглари тебратаётган шоира (У.Ҳамдам).....</i>	118

Адабий-бадиий нашр

Гўзал БЕГИМ

МАЖНУНСОАТ

Мухаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Мусахҳиж: Марҳабо ЖҶРАЕВА

Бадиий муҳаррир: Феруза НАЗАРОВА

Техник муҳаррир: Хуршид ИБРОҶИМОВ

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 08.08.2012 й.

Босишга рухсат этилди: 22.11.2012 й. Офсет қоғози.

Қоғоз бичими: 84x108 1/32. Futuris гарнитураси.

Офсет босма. Ҳисоб-нашриёт т.: 5,06.

Шартли б.т.: 6,72. Адади: 2000 нусха.

Буюртма № 78

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрга тайёрланди
ва чоп этилди.

100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
20^А-мавзе, 42-уй.

Тел.: (+998 71) 217-16-77

e-mail: akademnashr@mail.ru



Гўзал БЕГИМ

Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирда ЎЗМУ, 1997), Москвада Максим Горький номидаги Адабиёт институти қошида ташкил этилган Олий адабиёт курсини (2003) тамомлаган.

Зомин (1998), Олма-Ота (2008), Грузия (2011), Вьетнам (2012) миллий ва халқаро шеърят фестиваллари иштирокчиси. Вьетнам Республикаси томонидан «Адабий алоқалар ривожига қўшган ҳиссаси учун» медали билан тақдирланган. Еревандаги анъанавий МДХ ва Болтикбўйи мамлакатлари таржимон ва ноширларининг III, IV, V форумлари қатнашчиси.

Шоирнинг «Сукунат жаранги» (1998), «Учаётган япроқ сояси» (2002) китоблари чоп этилган. Шеърлари «Ўзбек модерн шеърятини» (Тошкент, 2008), «Ўзбек ёш шоирлари» (Тошкент, 2008), «Анор-Гранат» (Москва, 2008), «Аннотированный каталог» (Ереван, 2009), «Халқаро антология» (Вьетнам, 2012) каби халқаро ва Ўзбекистон миқёсидаги жамоа тўпламларида чоп этилган.

ISBN 978-9943-389-44-1



9 789943 389441